

МУНДАРИЖА • СОДЕРЖАНИЕ • CONTENTS

<i>Ганиханова Шойиста</i> Ўзбек опера мактаби булбули (Назира Аҳмедова таваллудининг 120 йиллигига) 2	
<i>Қосимхўжаева Саида</i> Мустафо Бафоевнинг ижодида замона белгилари 5	
<i>Ashurov Baxtiyor</i> Sharq musiqashunos olimi Abdulqodir Marog'iy ilmiy merosi 9	
<i>Парсегова Анна</i> Некоторые особенности формообразования и драматургии в концертах Г.А. Мушеля 12	
<i>Бойсинова Муштарий</i> Роль остинатности в композиционно-драматургическом процессе развития 15-ой симфонии Мирсадыка Таджиева 14	
<i>Раимджанов Анвар</i> О специфике квартетной литературы 24	
<i>Гафурова Сайёра</i> К вопросу о феномене исполнительского и дирижерского искусства 28	
<i>Мякушко Татьяна</i> Из истории формирования жанров камерной музыки... 31	
<i>Турсунов Эгамберды</i> Еще раз о барокко в вокальном искусстве 34	
<i>Гаптаров Фарҳоджон</i> Ғижжак ижро техникаси ва штрихлари 37	
<i>Юнусов Улугбек</i> Миллий мусиқа намуналарини ижро этишда ўзига хос безаклар 42	
<i>Закирова Шаҳноза</i> Токката ижрочилик услублари Р. Шуман ижодий изланишлари мисолида 46	
<i>Умаров Шерзод</i> Дирижёрликда бир асарни ўрганиш орқали максимал билим олишга эришиш ... 50	
<i>Измаилов Али</i> Дойра и учебные пособия по исполнительству 53	
<i>Палванов Раҳмет</i> Ференц Лист и музыкальная культура Узбекистана 55	
<i>Мухтарова Флора</i> Некоторые методические аспекты в преподавании курса “Полифония” в Государственной консерватории Узбекистана 58	
<i>Худайберганов Самандар</i> Мактаб ўқувчиларига Хоразм дoston ва халфачилик йўлларини ўргатиш 64	
<i>Нуруллоева Орзубону</i> Принципы структурирования тематического материала в произведении Игоря Пинхасова “Dramatica – музыка к неснятому кино” 67	
<i>Лутфуллаева Шоҳистахон</i> Рустам Абдуллаев асарларида гармоник вертикалнинг ифодавий жиҳатлари 72	
<i>Миришохидзода Гулрух</i> Перекличка веков в опере “Пробуждение” Нуриллы Закирова 78	
<i>Амонов Дилшод</i> Муаллифи номаълум кўлэзма 82	
<i>Абдурахимова Фируза</i> Есть в красках отзвуки и звуки... 85	
<i>Гульзарова Инесса</i> Незабываемое путешествие в мир романтической музыки 86	
<i>Шамаҳмудова Дилфуза</i> Олий профессионал мусиқа таълим муассасаларида кўзи ожиз талабаларни ўқитишда мусиқий-компьютер технологияларни қўллаш 89	
<i>Хамзина Зарина</i> Дмитрий Янов-Яновский в панораме узбекского музыкального театра сегодня 92	
<i>Тўраев Маъмур</i> Алпомиш мусиқали драмасида образ яратиш муаммолари 97	

БОШ МУҲАРРИР
Гафурова С.А.

БОШ МУҲАРРИР
ЎРИНБОСАРИ
Ганиханова Ш.Ш.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуллаев Р.С.
Ашуров Б.Ш.
Касымходжаева С.Б.
Насырова Ю.М.
Муҳамедова Ф.Н.
Турсунова Г.А.
Эргашева Ч.Э.
Мирталипова И.М.
Раҳимов Б.М.
Туламетов А.А.

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Туляходжаева М. Т.
Низамов А.
(Тожикистон)
Алиева И.
(Озарбайжон)
Тимошенко А.А.
(Россия)

МУСАҲҲИХ
Қудратова М.

ИНГЛИЗ ТИЛИ
ТАРЖИМОНИ
Абдуллаева М.

ДИЗАЙНЕР
Адиллов Ш.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Ўзбекистон давлат
консерваторияси
100027. Тошкент ш.,
Шайхонтохур тумани
Ботир Зокиров кўчаси, 1-уй
Тел.: (71) 244-95-09
Факс: (71) 244-53-20

Индекс: 1284

E-mail: eamsjournal@gmail.ru

Журнал Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
2017 йил 24 ноябрда
№ 0858 рақам билан
рўйхатга олинган.

Ўзбекистон давлат
консерваториясининг
Таҳририй-нашриёт
бўлимида электрон
форматда тайёрланди.

Нашрга рухсат этилди
05.03.2024 й.
Бичими 60x84 1/8
“Palatino Linotype”
гарнитураси.
Кегли 13.

ISSN 2181-9882

Ганиханова Шойиста,

санъатшунослик фанлари доктори (DSc),

Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори в. б.

ЎЗБЕК ОПЕРА МАКТАБИ БУЛБУЛИ

(Назира Аҳмедова таваллудининг 120 йиллигига)

Аннотация. Ўзбек халқининг мусиқа маданияти минг йиллар давомида шаклланиб, мураккаб ривожланиш йўлидан ўтиб, XX асрда опера санъати ютуқларини кенг ўзлаштирди. Миллий оҳанг услуби билан бойитилган Европа мусиқали театр анъанаси маданиятга ноёб ҳодиса – Ўзбекистон опера санъатини берди. Уни шакллантиришда истеъдодли бастакорлар, сценаристлар, режиссёрлар, хонандалар иштирок этдилар. Улар орасида Назира Аҳмедованинг шахси алоҳида ажралиб туради.

Калит сўзлар: Назира Аҳмедова, Ўзбекистон вокал мактаби, опера.

Аннотация. Музыкальная культура узбекского народа формировалась на протяжении тысячелетий, прошла сложный путь развития, а в XX веке интенсивно освоила достижения оперного искусства. Европейская традиция музыкального театра, обогащенная стилистикой национального мелоса, подарила культуре уникальное явление – оперное искусство Узбекистана. В формировании оперного искусства нашей страны принимали участие талантливые композиторы, сценаристы, режиссеры и певцы. Среди них выделяется личность великой оперной дивы Узбекистана – Назира Ахмедова.

Ключевые слова: Назира Ахмедова, вокальная школа Узбекистана, опера.

Annotation. The musical culture of the Uzbek people has been formed for thousands of years, has gone through a difficult path of development, and in the twentieth century has extensively mastered the achievements of opera art. The European tradition of musical theater, enriched by the stylistics of the national melos, has given culture a unique phenomenon – the opera art of Uzbekistan. Talented composers, screenwriters, directors and singers took part in the formation of the opera art of our country. Among them, the personality of the great opera diva of Uzbekistan, Nazira Akhmedova, stands out.

Key words: Nazira Akhmedova, vocal school of Uzbekistan, opera.

Назира Аҳмедова 1913 йилда Андижонда туғилган. Мусиқий санъатга меҳр унга она сути билан бирга кирган, чунки онаси халқ кўшиқларини маҳорат билан куйлаган ва дутор чолғусида куйлар ижро этган. XX асрнинг 20-йилларида отасининг ўлимидан сўнг, у Тошкентга кўчиб келади ва мактаб-интернатда ўқий бошлади. Тадбирлар ва бадий ҳаваскорлар кон-

цертларининг фаол иштирокчиси бўлган Назирада бадий ижодиётга мойиллик сезилади. 1928 йили иқтидорли ўзбек ёшларининг биринчи намояндлари қаторида Москва бадий-театр мактабига ўқишга киради.

Қийинчиликларга қарамай, бошқа маданият билан танишув ёш кўшиқчининг дунёқарашини бойитди ва кенгайтди. Энг муҳими, Европа вокал мак-

таби алифбосини эгаллади. Унинг ди-апазонига кўра нодир овози тўйинди, чуқур маъно касб этди [1].

Назира Аҳмедованинг ижодий йўли бетиним меҳнат ва ўз устида ишлашдан иборат эди. Ватанига қайтиб келгач, Тошкент ёшлар театрига қабул қилинди ва Республика академик драма театрида ишлай бошлади, айнаи вақтда радиода кўшиқ куйлаб, эстрадага чиқди. Кейинчалик машҳур бўлишига қарамай, овоз аппаратини мукаммалаштириш устида тинмай ишлади, натижада 1933 йили Тошкент “Колизей” театрининг опера студиясига кирди.

1935 йил Назира учун жуда аҳамиятли бўлди, уни Республика давлат мусиқа театрига ишга таклиф этишди. У ерда ёрқин образлар яратди. Ёқимли тембрга эга бўлган лирик-колоратурали сопраноси, ташқи қиёфаси, нафис ҳаракатлари, актёрлик иқтидори – ўзига хос бадиий ифодавийлик воситалари эди. Замондошлари хотирасидан жой олган илк роли “Ер Тарғин” мусиқали драмасидаги Тана эди. Назокатли ва жозибадор қалмиқ гўзали нафақат ботир Тарғин, балки томошабинлар қалбини ҳам ўзига ром этди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, сюжетга кўра Н. Аҳмедованинг шериги ва рақибаси машҳур ва иқтидорли ўзбек кўшиқчиси Ҳ. Носирова бўлган. Хоннинг қизи маккор Оқюнус (Ҳ. Носирова) азоб чекаётган асира Танани хўрлаётганини ифодаловчи дуэт томошабинларни чуқур ҳаяжонга солар ва бу концерт дастурларида кўп ижро этилувчи номерга айланган эди.

1938 йили мазкур опера Ленинградда намойиш этилди ва юқори баҳоланди. Ленинград матбуотининг тақризларида томошабинларни вокал ва драматик маҳоратлари билан лол қолдирган тўртта ном айтиб ўтилган эди. Булар – Ҳалима Носирова, Назира Аҳмедова, Муҳиддин Қори-Ёқубов ва Карим Зокировлардир.

Ўзбек операсининг туғилиши ва шаклланиши А. Навоий асарига ёзилган “Лайли ва Мажнун” операси билан боғлиқ. Р. Глиэр ва Т. Содиқовларнинг мазкур операси тўрт мартаба таҳрир қилинди. 1954 йили тўртинчи таҳрирда Назира Аҳмедова Лайли образини ўзгача талқинда намоён этди. Она юрти маданияти ва урф-одатларини, Шарқ аёлининг менталитетини, сабр-матонатини Лайли сиймосида акс эттирди.

Лайли – назокатли, лирик образ. Шу билан бирга унда ички мустаҳкамлик, феодал турмуш асосларини мурасиз инкор этишни ҳам сезиш мумкин. Унинг Қайсга ёзган мактубида ўзбек аёлининг икки томонлама жабрланиши ҳақида сўз юритади. Битта занжирни узиб бўлса-да, иккинчисига қандай қилиб қаршилик кўрсатиш мумкин? Шоирнинг айнан шу фикри образни талқин этишда асосий калит бўлиб хизмат қилди. Н. Аҳмедова Лайлининг ички дунёсини, озодликка интилишини очиб бера олди.

С. Абдулла драмасига ёзилган ва Т. Жалилов мусиқа басталаган “Фарҳод ва Ширин” мусиқий драмасида Назира Аҳмедова маккор гўзал Моҳим ролини ижро этди. Хоразмча куйлашнинг колоритли усулидан [2] фойдаланиб танноз ва инжиқ малика образини кўрсатиб берди.

Т. Содиқовнинг “Гулсара”сида Моҳим характериға қарама-қарши образ яратди. Асал партияси гўёки Назира Аҳмедова учун яратилган, у ҳаётга муҳаббат ва жўшқинлик билан йўғрилган, булбул нағмасига ўхшаш руладалар билан бойитилган. Матбуотнинг баҳолашича, актриса ўзбек операсининг куйлаш услубига хос бўлмаган услубда моҳирона куйлаб, “замонавий куйлаш мактабини эгаллаганлигини намойиш этиб, товуш софлиги ва бенуқсон интонацияга эришди” [2].

Айнан шу “замонавий куйлаш мактаби усуллари”ни ўзлаштирганлиги Назира Аҳмедовага беозор испан қизи Микаэлани (Дж. Бизенинг “Кармен” операси), П. И. Чайковскийнинг “Евгений Онегин” ва “Пиковая дама”, Дж. Вердининг “Риголетто” операларида ва Европа классикларининг бошқа асарларида ёрқин образлар ижро этишига ёрдам берди.

Машаққатли меҳнатлари, маданиятимизга қўшган ҳиссаси учун Назира Аҳмедовага Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди. Мазкур буюк шахснинг иқтидори миллий опера санъати

вакиласи ёшлар қалбида шу санъатга меҳр уйғотди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Толибжон Содиков нодавлат муסיқа хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси томонидан 2002, 2005 ва 2007 йилларда вокалистларнинг Республика танловлари ўтказилди.

2013 йили таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Назира Аҳмедова нафақат Ўзбекистон маданияти тарихининг бир саҳифасидир, балки у бизнинг миллий бойлигимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ашрафий М. Ер Тарғин, “Правда Востока”, 10 апрель, 1938.
2. Корсакова А. Ўзбек опера театри. Тарих очерки. -Тошкент: 1969, 249-б.
3. Носирова Ю. Эволюция принципов претворения фольклора в узбекской опере. -Ташкент: 2017.
4. Мухамедова Г. Опера хонандасининг овоз диапазони устида ишлаш услубиётига доир. “Musiq”, 2019 й., №2 (6), 54-57 бб.
5. Мухамедова Г. Развитие резонаторных ощущений – одна из главных задач воспитания оперного певца. “Musiq”, 2021 й., №1 (13), 67-69 бб.

ҚОСИМХҲҲЖАЕВА Саида,
Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори

МУСТАФО БАФОВНИНГ ИЖОДИДА ЗАМОНА БЕЛГИЛАРИ

Аннотация. Мақола замонамизнинг улкан ижодкорларидан бири Мустафо Бафоевга бағишланган. Унда композиторнинг охириги ўн йилликларда яратган асарлари ҳақида фикр юритилган ва баъзи асарлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: композитор, дирижёр, педагог, опера, симфония, жанрлар.

Аннотация. Статъя посвящена творчеству выдающегося композитора современности Мустафы Бафоева. В ней даётся краткий обзор деятельности композитора последних десятилетий и рассматриваются его произведения.

Ключевые слова: композитор, дирижёр, педагог, опера, симфония, жанры.

Annotation. This article is devoted to the work of the outstanding contemporary composer Mustafa Bafoev. It gives a brief overview of the composer's activities in recent decades and examines his works.

Key words: composer, conductor, teacher, opera, symphony, genres.

Хар бир даврнинг буюк ижодкорлари бор. Улар ҳаётнинг барча қўришнишларини илғаб олган ҳолда ўзининг ижодий йилномасини яратадилар, тарих зарварақларида асарлари давр белгиси сифатида ўчмас из қолдиради. Худди шундай ижодкорлардан бири Мустафо Бафоевдир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофоти ва қатор мукофотлар совриндори, серкирра ижодкор композитор, дирижёр, педагог сифатида фаолият кўрсатиб келади.

М. Бафоевнинг ижоди, айниқса, Мустақиллик даврида гуллаб-яшнади десак, муболаға бўлмайди. Америка Қўшма Штатлари, Япония, Туркия, Франция, Олмония, Испания, Ҳиндистон, МДҲ ва бошқа давлатлар томошабинлари унинг ижодидан баҳраманд бўлдилар. М. Бафоев ASCAP (American society of composers, Authogs and publisners-2003) аъзоси этиб тайинланди.

У янгилик кетидан қувмаган, махсус янги жанрлар яратишни мақсад қилиб олмаган, мавжуд бўлган барча жанрларда ўз дунёқарашини акс эттирган, шу билан бирга ҳар бир асари мусиқа майдонига

янгилик сифатида кириб келган. М.Бафоев ижодида опера ва симфониялар, камер-вокал ва инструментал асарлар бирдек ўрин тутди. Ҳар бир композиторлик мактаби учун опера жанрида асарлар яратилиши аҳамиятли воқеа бўлиб келган. Мустафо Бафоевнинг бу жанрда яратган асарлари ҳам ўзбек мусиқаси тарихида опера ижодини янги поғонага қўтарди. “Умар Хайём”, “Хамса”, “Севгим самоси” каби асарлари ўзбек миллий операсининг ёрқин намунаси. Композитор ўзбек миллий операси ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Зеро тарихга бўлган қизиқиш ортиб борган бир даврда тарихий дарғаларимизга бағишланган опералар яратиш ниҳоятда муҳим маъно касб этди. Композитор бу йўналишда ҳам анъанани давом эттириш билан чекланмади. Масалан, Алишер Навоийнинг ижоди асосида яратилган “Хамса” операсида ўзбек операларига хос бўлган миллийлик устунлик қилган бўлса, “Севгим самоси” асарида экспериментал ёндашув кўзга ташланади. Яъни янгилик сифатида опера-балет жанри майдонга келади. Мазкур асарда замонавий композиторнинг синтез жанрларга нисбатан муносабати акс этади.

Катта ижодий ва ҳаётӣ тажрибага эга бўлган М. Бафоевнинг ижоди охириги ўн йилликларда серқирралиги билан ажралиб туради. Бир неча опералар яратган композитор ўз эътиборини симфоник ижодга ҳам қаратди.

Мустафо Бафоев симфоник мусиқа йўналишида тажриба қилиб кўришдан чўчимайди. Аксинча, симфоник ижодида жанрлар ва созларнинг имкониятларини турли кўринишларда синаб кўргандек бўлади. Мустафо Бафоев кўпгина ижрочи ва ижодий жамоалар билан ҳамкорлик қилган. “Суғдиёна” халқ чолғулари камер оркестри билан бўлган ҳамкорлиги бир неча ёрқин асарлар яратилишига асос бўлди. Жумладан, “Самарқанд концерти”, “Фантазия”, най ва халқ чолғулари оркестри учун ёзилган “Юрагим” фантазияси мазкур ҳамкорликнинг маҳсулидир.

Композитор алоҳида олинган созлар учун ҳам катта жанрдаги асарлар яратишда жонбозлик қилади. Унинг аралаш хор ва камер оркестр учун “Концерт” (М. Шайхзода сўзи), танбур ва симфоник оркестр учун Концертларида янгилик белгилари кўзга ташланса, кларнет ва симфоник оркестр учун Концерт, валторна ва симфоник оркестр учун Концертларида анъанага бўлган ҳурмат сезилиб туради. Концерт жанрининг янги талқини зарбли чолғулар учун “Sounds of samo” (Само садолари) концертида айнқса кўзга ташланади. Зеро бу асарда шарқона усуллар билан европача жанр уйғунлигининг гувоҳи бўламиз. Композитор Шарқ мусиқасидаги зарбли созларнинг етакчилигини концерт мусиқий имкониятлари орқали кўрсатиб беради.

Маълумки, симфоник мусиқада поэма жанри ўзига хос ўрин тутади. Унда баён этиладиган мусиқий фикр ўзгача тароватга эга бўлиб, ўзига хос ривожланиш қонуниятига бўйсунди. Мустафо Бафоевнинг халқ чолғулари ансамбли учун ёзган “Тагорга бағишлов” 8 та поэмаси ана шундай асарлар сирасига киради. “Самарқанднома” овоз, фортепиано ва зарб-

ли чолғулар учун ёзилган поэмасини эса янгиликка бўлган қизиқишининг маҳсули дейиш мумкин.

Композиторнинг кейинги йилларда яратган сюита, увертюралари ҳам эътиборга моликдир.

Инструментал мусиқага катта эътибор қаратаётган М. Бафоевнинг рубоб прима ва камер оркестр учун Концерти ҳамда камер оркестр учун “Байрамона” увертюраси ҳам намунали асарларга айланди. Фортепиано сози учун яратган асарлари композитор ижодида алоҳида ўрин эгаллайди.

7 опера, 10дан ортиқ оратория, 30та инструментал концерт, 200дан ортиқ кўшиқ ва романслар муаллифининг фортепиано ижоди ҳам сермахсулдир. Кейинги ўн йилликда яратган фортепиано учун асарларининг турфалиги кўзга ташланади. Бир мақола ҳажмида уларнинг барчасини таҳлил қилиш қийин. Лекин юзаки қараганда ҳам фортепиано учун яратилган асарларда алоҳида миниатюралар қаторида ривожланган тузилишга эга бўлган катта ҳажмли асарлар ҳамда фортепиано мажмуалари мавжудлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Бундай ранго-ранглик фортепиано ижодига катта эътибор қаратилганлигидан далолат беради. Айнан фортепиано сози М. Бафоев учун “лаборатория” вазифасини ўтаган дейиш мумкин. Зеро фортепиано учун яратган асарларида композитор мутлақо янги қирраларини намоён этган. Кези келганида шуни ҳам айтиш ўринлики, дунё композиторлари ижодида кечаётган мусиқий тасвирлаш воситаларини янгилаш, мусиқий фикрни янги баён этиш йўлидаги изланишлар композиторларимиз томонидан ҳам жадал олиб борилмоқда.

XXI асрнинг фикр доираси мусиқа соҳасида ҳам намоён бўлмоқда. Шу маънода М. Бафоевнинг ижодини таҳлил этар эканмиз, айнан фортепиано асарларида янги композиторлик техникалари баралла қўлланганлигининг гувоҳи бўламиз. Фортепиано асарларига қўл урар

экан, ижодкор бу соз учун анъанага айланган куйчанлик ва самимийликдан воз кечмайди. Асарларнинг номланишидан ҳам буни илғаб олиш мумкин. Масалан, “Вальс”, “Чўпон бола”, “Сўзсиз кўшиқ”, “Лола гули”, “Табассум”. Маиший жанрлар билан муносабат, яъни уларга таяниш ҳам романтизм билан боғлиқликни кўрсатади: “Марш”, “Рақс”. Миниатюра асарларини тўпламларга бирлаштириш, улардан ички ривожланиш ва умумий мавзу ила яхлит асар яратишда ҳам романтизм анъанаси сезилиб туради. Композиторнинг бир қанча асарларидаги дастурийлик алоҳида ўрин эгаллаган. Бу, бир томондан, инструментал мусиқани адабиёт билан боғлаб турса, иккинчи томондан, ўзбек томошабинларига бўлган ҳурматининг ўзига хос инъикосидир. Мавзуларнинг танланиши (“Алпомиш”, “Бахши”, “Бойсун”, “Ялмоғиз кампир”) шуни кўрсатиб турибдики, энг машхур, оммабоп мавзулар мусиқий тил билан баён этилган.

Ўзбек томошабини учун ёрқин ва таниш бўлган образлар фортепиано асарида гавдаланади. Уларни баён этишда М. Бафоев ўзбек миллий куй ва оҳангларига ўта яқин бўлган интонациялардан фойдаланади. Фортепиано учун ёзилган асарларда бирон иқтибос ёки ўхшатиш учрамайди. Аммо яратган куйлари гўё халқ куйларидан олингандек туюлади. М. Бафоев ўзбек мусиқасининг соф инструментал кўришини ярата олган.

Композитор асарларининг катта ёки кичиклигига қарамай, ҳар бири устида пухта иш олиб боради. Бу драматургик тузилишда ҳам сезилиб туради. Унинг ўзига хос услуби – ҳар бир асарида кириш ва хулосавий бўлим мавжудлигидир. Яъни асосий фикрни баён этишдан аввал кичик муқаддима келтириб, гўёки томошабинни тайёрлайди. Бу услубда сахнавийлик белгилари ҳам сезилиб туради. Асосий фикр, яъни асосий қисм намоиш этилганидан сўнг қисқа хулоса – якуний бўлим берилади. Бошқача

қилиб айтганда, томошабинни ғафлатда қолдирмайди. Унга ўз фикрини тунштириб, ҳатто хулоса қилишга ҳам ёрдам беради. Бундай ёндашув композиторнинг кичик асарларида ҳам, катта ҳажмли туркумларида ҳам кўзга ташланади. Катта туркум асарларида ҳар бир бўлимнинг кириш ва якуни билан бирга, умумий кириш ва якуний қисмлари ҳам мавжуд. Бундай тузилиш тингловчилар учун қулайлик яратади. Мавзуларнинг қайтарилиши ва ички ривож, шу билан бирга аниқ шаклланиши асарга драматургик аниқлик бахш этади. Композиторнинг фортепиано асарларида инструментал мусиқага хос бўлган икки қисмли, уч қисмли шакллар кўп учрайди (“Табассум”, “Зарблар сеҳри”). Шунингдек, композиторнинг соната аллегроси шаклига мойиллиги ҳам кўзга ташланади. Соната аллегроси шаклининг ёрқин контрастлиги, турли образларнинг тўқнашуви ва ниҳоят, умумий кўринишга келиши қатор асарларида қўлланади (“Ҳиндистон”, “Тўрон”). Соната аллегросига хос бўлган мавзулар ишлови, тематик ривожланиш Бафоев пьесаларини ички драматизм билан бойитади. Унинг асарларида монотематизм услуби қўлланишини ҳам кўриш мумкин. Юқорида айтиб ўтилган кириш қисмларининг аҳамияти монотематик ривожланишнинг қўлланишида янада ўсади. Кириш қисмининг мусиқий материали барча образларнинг интонацион асоси бўлиб хизмат қилади.

М. Бафоев янги композиторлик техникаларидан ҳам фойдаланади. Фортепиано пьесаларининг тузилиши ҳақида фикр юритганда (“Тоғ шамоли”, “Сув ости дунёси”) паттернларнинг қўлланиши эътиборни тортади.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб композиторлик ижодининг етакчи йўналишига айланган минимализм XXI аср композиторлари томонидан ҳам қўлланоқда. М. Бафоевнинг фортепиано асарларида ҳам бу услубга мурожаат этилган. Шуни таъкидлаш керакки, “мини-

мализм” тушунтиришни, бирон мавзуни батафсил баён этишни талаб қилмайди. Бу йўналиш замонавий, яъни интернет тармоғида фикрлаши шаклланган, тасавури бой бўлган томошабинга қаратилади. М. Бафоев ҳам шу услубдан фойдаланар экан, аввало замонавий томошабин билан мулоқот қилади. Айтиб ўтиш жоизки, у паттернлар техникасидан усталик билан фойдаланади, паттернларни турли кўринишларда қўллайди. Уларнинг ривожланиши эса хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Композиторнинг ижодида неоимпрессионизмга мойилликни ҳам кузатиш мумкин. “Томчилар”, “Тоғ шамоли”, “Момақалди роқ ва камалак”, “Сув ости дунёси”, “Шаманлар” асарлари воқеликни баён этишдан кўра эмоционал туйғу, ҳис этиш-сезиш, табиат кўринишларидан завқланиш каби инсоний хусусиятларни намоён этади. Масалан, “Томчилар”, “Тоғ шамоли” асарларида сувнинг турли кўринишлари ёки бўрон-момақалди роқ тасвирланади. Композитор фортепиано чолғуси товушлари ёрдамида табиат ҳодисаларини тасвирлаб бергандай бўлади. Соф инструментал интонациялар, полиритмик услублар табиат манзарасини баён этади.

М. Бафоевнинг фортепиано асарларида сонорикага хос бўлган бўёқлар кенг қўлланади. У фортепиано товушларининг ёрқинлигидан, тембрларининг таққосланишидан шундай фойдаланадики, бу сознинг ижросида ҳар бир элементнинг аҳамияти ўзгача тароватга эга бўлади. Композиторнинг муסיқий тили бой ва ранго-ранглигини алоҳида таъкидлаш зарур. Опера ва 200дан ортиқ романс ва қўшиқлар муаллифи куй яратиш жабҳасида моҳир уста бўлиши табиий. Бу эса, ўз навбатида, унинг фортепиано ижодига ҳам таъсир этган, албатта. Шунинг учун фортепиано асарларида ўз-ўзидан куйчанлик устунлик қилади. Шу билан бирга симфоник оркестрларга раҳбарлик қилган М. Бафоевнинг муסיқий тили ёрқин инструмен-

тал эканлигини ҳам рад эта олмаймиз. У фортепиано созини шундай усталик билан қамраб оладики, куйлари бутун регистр имкониятларидан фойдаланган ҳолда гўё оркестр ижросини яратгандай янграйди.

Композиторнинг асарларини ритм нуқтаи назаридан таҳлил этиш ҳам қизиқарли. Шарқ композиторларининг намояндаси сифатида М. Бафоев ритмга катта эътибор қаратади. Деярли барча асарларига ритмик аниқлик, шиддатли ритмик ҳаракатлар хосдир. Талайгина асарларида куйларга хос бўлган аниқ ритмлар билан параллел равишда “усул” ритми ҳам қўлланилади. Умумшарқ муסיқасига хос бўлган бундай услуб композитор муסיқасининг миллий муסיқа билан узвий бирлигини яна бир карра намоёниш этади. М. Бафоев муסיқасида ритм воситасидан турлича фойдаланилган. Масалан, “Шаманлар”, “Ялмоғиз кампир” да ритмо-метр деярли ҳар бир тактда ўзгарган. Бу эса асар образининг тўлақонли ва ёрқин чиқишига хизмат қилади.

Умуман олганда, М. Бафоев асарларида ритм шакл тузувчи хусусиятига ҳам эга бўлади. Масалан, “Зарблар сеҳри” да яхлитликка фақат ритм орқали эришилади.

М. Бафоевнинг гармонияси алоҳида мавзуни талаб этади. Бир унинг ранго-ранглигини таъкидлаб ўтиш мумкин, холос. Зеро асарларида аниқ гармоник тоналликлар билан бир қаторда халқ ладлари, атоналлик билан серияли техникаларни учратиш мумкин. Буларнинг барчасидан усталик билан фойдаланилади. Бу эса образлар ёрқин ва таъсирчан чиқишига замин яратади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, М. Бафоев замонамизнинг ёрқин композиторларидан биридир. Унинг ижодида ўтмиш ва келажак, Шарқ ва Ғарб бирлашган десак, муболаға бўлмайди. Замонавий композиторлик техникасини яратишда эса ижодкор ҳатто замондошлардан ҳам илдамлаб кетган.

ASHUROV Baxtiyor,
san'atshunoslik fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),
O'zbekiston davlat konservatoriyasi dotsenti

SHARQ MUSIQASHUNOS OLIMI ABDULQODIR MAROG'IIY ILMIY MEROSI

Annotatsiya. O'rta asr sivilizatsiyalari orasida Temuriylar davri Ikkinchi Uyg'onish davri belgisi ostida jahon madaniyati tarixiga kirdi. Ushbu davrdagi ilm-fan, madaniyat va ta'lim sohasidagi jahon yutuqlari Temur saltanati olimlarining tadqiqotlariga asoslangan edi. Temurning nabirasi Mirzo Ulug'bekni aniq fanlar, xususan, astronomiya fani rivojlanishiga qo'shgan hissasi bebaho. Abdurahmon Jomiy va Alisher Navoiy ijodi Sadiy va Sheroziy ijodlari bilan bir qatorda adabiyotda muhim o'rin tutgan.

Ushbu maqolada Abdulqodir Marog'iiyning musiqa fani sohasidagi asarlarida ko'rib chiqilgan ilmiy-nazariy masalalarning kam o'rganilgan jihatlari yoritib berilgan. Olim, musiqachi va ma'rifatparvar cholg'ushunoslik, musiqa tarixi va nazariyasi bilan bog'liq bir qator muammolarga aniqlik kiritgan.

Kalit so'zlar: musiqa, tadqiqotchi, fan, meros, Sharq Renessansi.

Аннотация. Среди цивилизаций средневековья, эпоха тимуридов вошла в историю мировой культуры под знаком именуемом вторым возрождением. Большая часть мировых достижений в области науки, культуры и образования того времени опиралась на исследования ученых тимуровского салтаната. Сложно переоценить вклад в области точных наук, в частности астрономии, внука Тимура Мирзо Улугбека. Творчество Абдуррахмана Джамии и Алишера Навои занимало видное место в литературе наряду с творениями Саади и Ширази.

Данная статья раскрывает некоторые малоизученные аспекты научно-теоретических вопросов, затронутых в работах Абдулкадира Мароги в области науки о музыке. Ученый, музыкант и просветитель внес ясность в ряд проблем связанных с инструментоведением, историей и теорией музыки.

Ключевые слова: музыка, исследователь, наука, наследие, восточный ренессанс.

Annotation. Among the civilizations of the Middle Ages, the Timurid era entered the history of world culture under the sign called the second renaissance. Most of the world's achievements in the field of science, culture and education of that time were based on the research of scientists of the Timur's saltanat. It is difficult to overestimate the contribution of Temur's grandson Mirzo Ulugbek in the field of exact sciences, in particular astronomy. The works of Abdurakhman Jami and Alisher Navoi occupied a equal place in literature along with the works of Saadi and Shirazi.

This article reveals some little-studied aspects of scientific and theoretical issues raised in the works of Abdulkadir Maroghi in the field of music science. The scientist, musician and educator clarified a number of problems related to instrumentation, music history and theory.

Key words: music, researcher, science, heritage, Oriental Renaissance.

Temuriylar saltanatining poytaxti Samarqand va Hirot kabi yirik markazlari jahonning eng yirik madaniy-ma'rifiy o'choqlariga aylandi. Islom dunyosida "Samarqand ro'yi zamin sayqali" degan shior qanot yoydi. Boshqa shaharlarning dovrug'i ham keng tarqaldi. Bu maskanlarga zamonas-

ining ko'zga ko'ringan ilm va san'at ahli chorlandi. Diniy va dunyoviy ilmlar, san'at, adabiyot, me'morchilik, xattotlik, kitobat, musiqa va boshqa nafis hunarlar mislsiz taraqqiyot bosqichiga chiqdi.

Temuriylar avlodi vakillari Mirzo Ulug'bek, Boysunqur Mirzo, Shohrux,

Husayn Boyqaro, Mirzo Boburlar sultonligida “Ikkinchi Uygʻonish davri” deyishga munosib taraqqiyot va yuksalish jarayoni sodir boʻladi. Ana shu madaniy-maʼrifiy taraqqiyotning inʼikosi sifatida adabiyot va sanʼat sohalari yuksaldi. Mazkur davrda qaror topgan maʼnaviy qadriyatlar hamon oʻz salohiyatini saqlab, insoniyat taraqqiyotining yorqin sahifasi, muqaddas merosi sifatida asrab-avaylab kelinmoqda.

Samarqand Amir Temur zamonida musiqiy hayotning bosh markaziga aylangach, shahar chiroyini oshirish maqsadida Sohibqiron turli mamlakatlardan taniqli meʼmor, quruvchi usta va naqqoshlarni chorladi. Soltanat poytaxti Samarqand va boshqa markaziy shaharlarda ulkan inshoot va hashamatli binolar qad koʻtara boshlaydi. Samarqand yodgorliklari oʻzining meʼmoriy yutuqlari va betakror qiyofasi bilan kishini hayratga soladi. Endilikda Samarqand, Buxoro va Xiva jahon sayyohlarining sevimli maskanlariga aylangan.

Bu shaharlarning badiiy salohiyatini oshirish maqsadida turli mamlakatlardan atoqli musavvir, naqqosh, shoir, bastakor, sozanda va xonandalar, cholgʻuchi va raqqoslar jalb etilgan. Temuriylar davri musiqqa sanʼatining yuksak darajada rivojlanish omillari sifatida madaniyatlar yaqinlashuvi va ularning oʻzaro ijobiy taʼsir koʻrsatuvini hamda turli xalqlar urf-odatlarining Samarqand zaminida uygʻunlashuvi jarayonlarini qayd etish mumkin.

XIV asrning ikkinchi yarmi va XV asrning boshlarida yashagan zabardast musiqashunos (yetuk nazariyotchi va amaliyotchi), bastakor va sozandalar qatorida Abdulqodir Marogʻiy alohida oʻrinda turadi. U 1380-yillar oxirida Amir Temur tomonidan Sulton Sanjar saroyi xodimligidan Bagʻdoddan Samarqandga jalb etilgan.

Marogʻiy turli bilimlarni, jumladan, soz sanʼati asoslari va musiqashunoslik ilmini oʻz otasidan oʻrgangan. Uning otasi zamonasining fozil kishilaridan boʻlgan. Marogʻiyning farzandlari ham ota kasbini davom ettirib, oʻz davrining taniqli sozanda va musiqashunoslari qatoridan oʻrin olgan. Eʼtiborli tomoni

shundaki, Marogʻiyning musiqiy qarashlari Forobiynikiga oʻxshab keng koʻlamli, falsafiy, tarixiy, ijtimoiy, ilmiy-amaliy hamda ijodiy masalalarni atroflicha qamrab oladi. Eng muhimi, bularning hammasi chuqur ilmiy-nazariy poydevorga, tom maʼnodagi akademizmga asoslanadi. Shu bilan birga, oʻrniga qarab, ularda ogʻzaki afsona va rivoyatlarga, ustozlarning maʼnaviy eʼtiqodi hamda amaliy bilimlarga katta eʼtibor qaratiladi.

Abdulqodir Marogʻiyning falsafiy qarashlarida ilmiy tafakkurning ustuvorligini namoyish etish uchun “Maqosid ul-alhon”ning muqaddimasidan ikkita kichik lavha keltiramiz. Urf-odatga koʻra, birinchisi ilohiyotga tegishli: “Nagʻmalar va lahnlar chiroyi bilan savt (ovoz)larni ziynatlovchi zot Allohga hamdlar boʻlsin. U maqomlar va shuʼba doiralarini shakllantiradi. U advorlarni sogʻlom taʼblilar bilishiga munosib qilib yaratdi va ularning shon-shuhratini davrlar turguncha boqiy qildi. Tuxamo va Hijoz diyorlarida buyuklik va azizlik bilan muxoliflarni xor qilish maqsadida paygʻambar qilib yuborilgan Muhammad s.a.v.ga salovot va durudlar boʻlsin. Parvardigor jamoli oshiqlari boʻlgan ul zotning asʼhoblari va ahli baytlariga salomlar boʻlgay. Ular Parvardigorning kamoloti vasfida hayratdadir. Ey Allohim, barchalariga koʻpdan koʻp salomlar yubor” [1]. Bu goʻzal kalimalar mazmunan ortiqcha afsona va rivoyatlarsiz, samimiy tilovatning oʻzidir!


Ikkinchisi esa bevosita dunyoviy ilmlarga qaratilgan boʻlib, atrofdagi amallarga tayangan holda musiqiyning asl hayotiy ildizlariga tegishli fikrlardan iborat: “Bas, toʻgʻri zehnlar va sogʻlom taʼblar musiqiyga moyildirlar, albatta. Har bir tugʻilgan jon nagʻmani eshitish bilan fazl-u saxovat yoʻliga koʻra vujud libosini kiygaydir. Har bir goʻdak iztirobda yotarkan, zamzama (alla) eshitish bilangina tinchiydi. Vaholanki, har kim ham nadomat-u mashaqqatda voqe boʻlgan maslaklariga ergashmaydi. Demak, ruhlar ud va mizmor eshitgan paytda zavqlanishga moyil boʻladi. Nay, ud va mizmor faryod qilarkan, nafs (his-tuygʻu), qalb va quloq tarabda boʻlgay” [2].

Abdulqodir Marog'iyning o'sha mashhur doiralari "maqomlar" yoki "pardalar" deyiladi. Qolganlari umumlashtirilib, "furu" (ya'ni qo'shimchalar, katta usul doiralari va jamlarning tarkibiy bo'laklari) deb ataladi. Kuy furu'larning o'zi yana ovoz, rang, shu'abot (birligi shu'ba) va murakka-bot guruhlariga ajratiladi. Ularning barchasi maxsus nomlar bilan belgilangan.

"Maqosid ul-alhon" o'n ikki bobli yirik fundamental asar bo'lib, har biri

uch fasldan iborat. Uning I-VIII boblari nag'ma, bo'd, jins, jam va parda doiralari haqida, IX bob usul va tasnifotga kirish masalalariga bag'ishlanadi. X bob esa kuy advorlarini amalda ishlatish va bevosita tasnifotlar tuzish tartiblarini bayon qiladi. Mazkur bob ham boshqalari kabi uch fasldan iborat. Hozirda mazkur manba O'zbekiston davlat konservatoriyasining Ilmiy pedagogik kadrlar tayyorlash bo'limida saqlanadi.

Abdulqodir Marog'iy. "Maqosid al-alhon"



بسم الله الرحمن الرحيم وبه نستعين*

الحمد لله الذي زين الاصوات بطيب الالحن والنعتم وصيرها دايمة بين الشعب والمقامات. جليل الطباع السليمة مؤتلفة بمعرفة الادوار. وجعل صيتها باقية بقاء - الادوار. والصلوة والسلام على محمد المبعوث في تهامة والحجاز رغماً للمخالف بالاجلال والاعزاز. وعلى آله واصحابه عشاق جماله المحيرين في وصف كماله وسلم تسليماً كثيراً.

اما بعد فان الازهان المستقيمة والطباع السليمة مايلة الى الموسيقى. وكل مولود يسمع نغمة كن يلبس لباس الوجود على سبيل الفضل والوجود. وكل رضيع يضطرب لا يطمئن الا بسماع الزمزمة وكل من لا يقف على مسالكها يقع في المتعبه والمندمه. فان الارواح مالت الى الاطراب عند سماع العود والمضرب. والنفس والقلب والاسماع في طرب والنأي والعود والمزمار في صخب.

* خطبه وديباجة كتاب براعت استهلال دارد، رك. تعليقات آفای دکتر جها نيكلو تمام مقدمه كتاب را در مجله موسيقي (دوره سوم شماره ۸) نقل کرده است. ۱- دراصل به ضم م، رك. تعليقات ۲- آفريد يا خلق كرد. الجبل آفريدن (المصادر زوزني ج ۱ ص ۴۹) - مجله موسيقي، حبل ۱ ۳- مجله موسيقي، في النهايه ۱ ۴- مجله موسيقي، المتبحرين ۵- اينجا، رنج، رك، تعليقات ۶- اينجا، مائة وشماني، رك. تعليقات ۷- مجله موسيقي (العود) را ندارد ۸- صخب به ففتحين بانگه و فرياد (صراح) - عبارت شمرگونه است، رك. تعليقات

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdulqodir bin G'aybi Hofiz Marog'iy. Taqi Binish nashri. -Tehron: 1957. 3-4-betlar.
2. Ashurov B. Temuriylar davri musiqa san'atiga bir nazar. "Musiqqa" jurnali. №1 (13), 2021. 8-11-betlar.

ПАРСЕГОВА Анна,

педагог высшей категории Республиканской специализированной музыкальной школы им. В. А. Успенского

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМООБРАЗОВАНИЯ И ДРАМАТУРГИИ В КОНЦЕРТАХ Г. А. МУШЕЛЯ

Аннотация. Имя Г.А. Мушеля известно не только в Узбекистане, но и далеко за его пределами. В его творческом портфеле 2 симфонии, 4 балета, музыка к драме, вокальная и инструментальная музыка, 6 фортепианных концертов, сюиты для скрипки и фортепиано. Нам показалось интересным обратиться к жанру Концерта в творчестве композитора, так как именно Мушель по праву считается родоначальником концерта в Узбекистане и определить особенности формообразования и драматургии этого жанра.

Ключевые слова: неповторимый стиль, родоначальник Концерта в Узбекистане, особенности формообразования и драматургии.

Аннотация. Г.А. Мушель номи нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа давлатларда ҳам машхур. Унинг ижодида 2 симфония, 4 балет, муסיқий драма, вокал ва чолғу муסיқаси, 6 фортепиано концертлари, скрипка ва фортепиано учун сюиталар мавжуд.

Бизга эса композиторнинг концерт жанри қизиқарли туюлди, чунки Г. Мушель Ўзбекистонда концерт жанрини қўллаган биринчи композиторлардан бири ҳисобланади. Шу тариқа ушбу жанрнинг шаклланиши ва драматургияси борасида сўз юритилади.

Калит сўзлар: такрорланмас услуб, Ўзбекистонда концерт жанри асосчиси, шаклланиш ва драматургия хусусиятлари.

Annotation. The name of G.A. Mushel is known not only in Uzbekistan, but also far beyond its borders. His creative portfolio includes two symphonies, four ballets, music for drama, vocal and instrumental music, six piano concerts, suites for violin and piano.

It seemed interesting to us to turn to the genre of the concert in the work of the Composer, since it's Mushel who is rightfully considered to be the founder of the concert in Uzbekistan and to determine the features of the formation and dramaturgy of this genre.

Key words: unique style, the founder of the concert in Uzbekistan, features of shaping and dramaturgy.

Концерт – как музыкальный жанр отличает картинность и рельефность драматургии, яркая импульсивность развития, выраженная определённым диалогическим и структурным признаком – чередованием tutti и solo.

Родившись в эпоху барокко, Концерт оказывает влияние на формирующиеся тогда другие музыкальные жанры и формы, а концертное музицирование, как особый приём развития становится популярным в самых различных музыкальных жанрах.

Однако, сочетание двух неоспоримо концертных факторов:

- наличие каденции в партии солиста;
- традиция структуры двойной экспозиции – при несомненном приоритете сонатно-симфонических отношений выделяет жанр Концерта как особенный, предполагающий несколько обязательных условий.

Установившаяся традиция трехчастной композиции Концерта – наполняется идеей цикличности, утверждая

принцип циклического единства – еще в концертах И. С. Баха и Г. Ф. Генделя.

В творчестве венских классиков в Концерте достигается удивительное равновесие партий, и что было гениальным предвидением – насыщение концертного изложения подлинно симфоническим развитием в тематическом изложении и развитии.

История романтического Концерта намечает два направления: с одной стороны, Концерт сохраняет традиции излюбленной тогда камерно – инструментальной пьесы, с виртуозной партией солиста – при скромной поддержке оркестра, с другой стороны очевидна тенденция к сближению романтического концерта с симфонией, с подлинно симфоническим развитием и усилением драматургически-смысловых функций солиста и оркестра.

Огромную роль в динамизации структуры 1 части Концерта явился отказ от традиции двойных экспозиций, что несомненно наполнило драматургию Концерта подлинно симфоническим развитием.

Современный Концерт на протяжении XX века остается своеобразной творческой лабораторией, в которой выявляются новые динамические возможности диалога солиста с оркестром, поиски нового жанрового синтеза концерта с симфонией (вспомним Второй, Четвертый, Пятый фортепианные концерты С. Прокофьева, его же 5-ти частную Концерт-симфонию для виолончели с оркестром, или 5-ти частный Скрипичный концерт Д. Шостаковича).

Очевидна также противоположная тенденция сближения Концерта с камерной музыкой, где автор увлечён тончайшей детализацией выразительных средств в сочетании с яркими штрихами концертного письма. (Примером тому могут служить “Сонатина концертата” П. Владигерова, или пьесы П. Хиндемита, объединённые общим названием “Камерная музыка”. Здесь автор обращается

к формально-конструктивным принципам старых мастеров, “растворяя” партию обязательного инструмента в общей оркестровой ткани).

Особого внимания в музыке XX века заслуживает интерес композиторов к традициям написания “Концерто Гроссо”, где пространственное сопоставление групп оркестровых инструментов сочетается с “битематизмом” в интонационном развитии. (Вспомним Концерт-буфф С. Слонимского, Концерты для оркестра В. Лютославского, Э. Тамберга, Я. Ряэтса, “Озорные частушки” Р. Щедрина, Концертную симфонию Л. Сидельникова).

Изменения также произошли в структуре Концерта – встречается как двухчастная структура Концерта (Виолончельный концерт Н. Мясковского, Пятый Виолончельный концерт Г. Банщикова), так и одночастные – (Первый фортепианный концерт С. Прокофьева, Второй фортепианный концерт М. Равеля). Кроме того, многие композиторы включают в состав “забытые” инструменты (как например Ф. Пуленк, в Сельском концерте для клавирина с малым оркестром или Фортепианный концерт и Рапсодию в стиле блюз Д. Гершвина).

Таким образом, все дальнейшее развитие жанра Концерта в музыке XIX – XX вв. представляет собой путь, полный исканий новых тональных отношений, структурных преобразований, то приближающий жанр Концерта к Симфонии, то отдаляющийся от неё. Отсюда, и неиссякаемый интерес композиторов к жанру Концерта, их попытки выявить новые динамические возможности в диалоге солиста с оркестром, сохранив при этом несомненный приоритет – блестящую виртуозность исполнения и диалогический принцип концертирования.

История Инструментального Концерта в Узбекистане насчитывает немногим более 80-ти лет. Родоначальником его по праву считается Г. А. Мушель. Однако, первые шаги в создании национального концерта не были легки. С одной сторо-

ны, Концерт, как никакой другой жанр, предполагает блестящую техническую оснащенность исполнителя, чем на первых порах становления жанра не могли похвастаться исполнители. Болезнь “роста” связана не только с недостаточной подготовкой исполнительских кадров, но и с невысоким уровнем профессионального композиторского мастерства. Обе эти причины одинаково негативно сказываются на формировании жанра, так как Концерт как никакой другой из жанров, предполагает тесное сотрудничество композитора и исполнителя. Однако, итоги продуманной системы поэтапного музыкального образования в Узбекистане – не замедлили сказаться на результатах.

Уже к 60-70м годам XX века появляются новые имена молодых композиторов, чьи произведения отличаются мастерством и жанровой многоплановостью. Здесь и сольные инструментальные концерты (назовём Второй фортепианный концерт Р. Вильданова, Скрипичный и Второй Альтовый концерт Б. Зейдмана, Скрипичный концерт Ш. Шаймардановой). Назовем также концерты для солирующих духовых (Концерт для трубы с оркестром С. Карим-Ходжи, Концерт для фагота с оркестром Б. Зейдмана), а также Концерты для оркестра (вспомним Первый и Второй концерты для оркестра Б. Зейдмана, Кончерто-гроссо для камерного оркестра Ф. Янов-Яновского, его же Концерт для оркестра) и концерты для узбекских народных инструментов (Концерт для наия с оркестром П. Халикова). Все это несомненно свидетельствует о растущем интересе композиторов всех поколений, к жанру Концерта. В этом на наш взгляд, состоит немалая заслуга композиторов старшего поколения – Г. Мушеля и Б. Зейдмана, воспитавших плеяду молодых талантливых композиторов.

Ученик Н. Я. Мясковского, Г. Мушель явился основоположником Инструментального концерта в Узбекистане, по-

следовательно развивая национальную композиторскую школу, наряду с А. Козловским, Б. Зейдманом, Б. Бровцыным. Это позволило определить, несколько приоритетных направлений в жанровых пристрастиях композиторов Узбекистана. Прежде всего, это крупные симфонические полотна:

- Опера, балет;
- Камерная музыка;
- Инструментальный концерт.

Нам показалось интересным остановиться на особенностях формообразования и драматургии в Четвертом, Пятом и Шестом концертах для фортепиано с оркестром Г. Мушеля.

В рассмотренных нами фортепианных концертах Г. Мушель не нарушает сложившейся общепринятой структуры трехчастных концертов (по принципу быстро – медленно – быстро).

Однако, здесь наблюдаются темповые изменения в обозначениях. Так, в Четвертом фортепианном концерте первая часть – Moderato. Шестой фортепианный концерт открывается первой частью – Allegretto. Подобные темповые сдвиги свидетельствуют об углублённо-философской трактовке образа с его монологическим приёмом высказывания, что отражается на драматургии цикла.

Обращение к традиции двойных экспозиций в 1 части концерта мы находим в 1 части Пятого фортепианного концерта, где в оркестровой экспозиции появляются главная и побочная партия в одном тональном освещении (d-миксолидийский h-moll) тогда как в экспозиции солиста видим появление этих двух тем в тех же тональностях, но в развитии, изобилующем яркими сопоставлениями и эллиптическими переключениями. Включение ладов народной музыки в гармоническую и интонационную ткань произведения – становится излюбленным приёмом композитора, к которому он постоянно обращается. Тонкая игра светотени, мягкое модулирование внутри строя для Г. Муше-

ля – художника – есть дополнительный штрих к портрету.

Что касается наличия темпового контраста внутри части – это объясняет появление новой темы в изложении. Подобные примеры мы встречаем в первых частях Пятого, Шестого фортепианных концертов и ранее Третьего. Здесь автор предваряет появление побочной партии в экспозиции – сменой темпа. Подобная структурная определенность, желание “очертить” границы новой темы – становятся узнаваемым приёмом письма.

Говоря об общей драматургии цикла, отметим, что она выверена и традиционна. Мы уже упоминали о многообразном темповом решении как внутри части, так и в чередовании частей. Так, первая часть закладывает настроение всего произведения, как правило – сонатная форма.

Медленная часть – область философских размышлений, углублённо- созерцательного настроения. Излюбленный темп автора – *Andantino*, *Andante*. Форма – трехчастная с разновидностями.

Финал – эмоциональный центр тяжести, куда сводится вся драматургия цикла. Излюбленный темп – *Allegro*. Форма – рондо с разновидностями, рондообразность, строфическая форма.

Примечательно, что композитор не ограничивается одним приемом в передаче образа, а использует самую разнообразную технику письма – от монологически-углубленного философского размышления с использованием полифонических приёмов в изложении и развитии, до картин народного веселья, пропитанных смелыми оркестровыми звучаниями симфонического письма. Гибкое владение разнообразными приемами позволяет автору переключать внимание слушателя, создавая эффект перспективы, зримости образа. В этом, несомненно, кроется один из секретов композитора, воплотившего в музыке перспективу, более свойственную изобразительным искусствам.

Нельзя не отрицать роль Вступления и Коды в формообразовании цикла. И если наличие Коды обязательно в форме, то вступление иногда отсутствует, создавая эффект “внезапности”. Однако, иногда композитор предваряет каждый раздел формы вступлением, как например в медленной части Шестого фортепианного концерта (*Andante cantabile*) – он помещает необыкновенно выразительную тему в виолончельный регистр в А-дорийском ладе.

Г.Мушель. Концерт для фортепиано с оркестром №6. II часть

Andante cantabile

Piano *pp*

15

Или, мы видим, что вступление подводит к появлению новой темы внутри части (как например в 1 части Шестого фортепианного концерта в изложении побочной партии). С одной стороны, конструкция утрачивает сквозное развитие, но ясно очерченная структура произведе-

ния подтверждает логику композиции и облегчает восприятие. Так происходит в финале Четвертого фортепианного концерта, где тема вступления с фанфарными призывами – служит обрамлением, открывая Финал концерта, одновременно замыкая его в последних страницах.

Moderato Г.Мушель. Концерт для фортепиано с оркестром № 4. Финал

Не менее интересна роль Коды в драматургии концерта. Кода может находиться как внутри части, завершая раздел, так и в ее конце.

Так, например Кода в конце медленной части Пятого фортепианного концерта Andante – выполняет важную конструктивную роль, противопоставляя оркестровую партию – партии солиста. Камерность звучания здесь сменяется драматическим сопоставлением тем - образов.

Размышляя о Каденции солиста как о неперенном атрибуте жанра, мы не можем не отметить также ее составляющие

– демонстрацию технического мастерства и местоположение в форме. Однако, Концерт в творчестве Г. А. Мушеля – помимо индивидуальных черт – насыщается подлинно симфоническим развитием

В этом случае, и местоположение Каденции в форме – подчиняется общему драматургическому замыслу. Так, в финале Шестого Фортепианного концерта мы наблюдаем Каденцию, построенную на предыктовом ожидании доминантового органного пункта к последующему затем Маршу в мощном оркестровом tutti. Небольшая по размерам Кода завершает произведение.

Г.Мушель. Концерт для фортепиано с оркестром №6.
Финал. Кода

Più mosso

Più mosso

Нами были рассмотрены некоторые моменты формообразования и драматургии в трёх последних фортепианных концертах Г. Мушеля. Глубина и сложность проблемы, как и многообразие вопросов, связанных со становлением жанра в творчестве композитора – позволяют обращаться исследователю многократно, открывая для себя все новые аспекты, рассматривая их в различ-

ных проекциях. Несомненно, Концерт в творчестве Г. А. Мушеля – занимает прочные позиции, наряду с симфоническими и камерными произведениями автора. Мастерство композитора, владение различными техниками, профессионализм и талант – неперенные составляющие профессионального успеха мастера, чьё творчество всегда интересно знатокам и любителям музыки.

Использованная литература

1. Джаббаров А., Соломонова Т. Композиторы и музыковеды Узбекистана. -Ташкент: 1975.
2. Кузнецова Г. Некоторые принципы работы Мушеля с узбекским национальным фольклором. -Москва: 1976.
3. История узбекской музыки. Сб. ст. -Москва: 1975.
4. Пеккер Я. Георгий Мушель. -Ташкент: 1965.

БОЙСИНОВА Муштарий,
преподаватель Государственной консерватории Узбекистана

РОЛЬ ОСТИНАТНОСТИ В КОМПОЗИЦИОННО-ДРАМАТУРГИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ РАЗВИТИЯ 15-ой СИМФОНИИ МИРСАДЫКА ТАДЖИЕВА

Аннотация. Данная статья посвящена одной из симфоний Трилогии “Млечный путь” М. Таджиева – 15 симфонии – Архипелаг ГУЛАГ, написанной под впечатлением одноименного романа А. Солженицына. В процессе глубокого и детального анализа данного сочинения нами была выявлена ведущая роль остинатности в раскрытии содержания.

Аннотация. Чтобы исполнять музыку определенного стилистического направления вокалист должен обладать не только яркими творческими способностями, но и чувствовать стиль эпохи, понимать характер произведения, что позволит певцу правильно выбрать артикуляционные штрихи и трактовать нотный текст. Изучать творчество композиторов эпохи барокко необходимо, так как только понимание их творческой эстетики позволит приблизиться к адекватной интерпретации ряда вокальных сочинений.

Ключевые слова: барокко, академический вокал, арии, мотеты, кантаты.

Аннотация. Муайян услубий йўналишдаги мусиқани ижро этиш учун вокал ижрочиси нафақат ёрқин ижодий қобилиятга эга бўлиши, балки ўша давр услубини ҳис этиши, асар моҳиятини тушуниши даркор ва бу ҳолат хонандага артикуляцион штрихларни тўғри танлай билиш ҳамда нота матни ни шарҳлаш имконини беради. Барокко даври композиторлари ижодини ўрганиш лозим, чунки уларнинг ижодий эстетикасини тушунишгина қатор вокал асарларини тўғри талқин этишга яқинлаштиради.

Калит сўзлар: барокко, академик вокал, ариялар, мотетлар, кантаталар.

Annotation. To perform music in a specific stylistic direction, a vocalist must not only have strong creative ability, but also sense the style of the time and comprehend the character of the piece, which will allow the singer to select the appropriate articulation strokes and portray the musical text. It is vital to study the work of Baroque composers since only understanding their creative aesthetics will allow us to approach an appropriate interpretation of a variety of vocal works.

Key words: baroque, academic vocal, arias, motets, cantatas.

Воспитание профессионального музыканта по академическому вокалу неразрывно связано с работой над техническим мастерством. Выбирая один из стилей старинной музыки для своего репертуара, вокалист работает над собственной художественно-технической активностью. Яркие творческие способности в сочетании с пониманием стиля эпохи позволяют добиться адекватных динамических, темповых, артикуляционных штрихов в интерпретации. Специфика нотной записи старинной музыки дает лишь общее представление о музыкальном произведении. Эта запись должна рас-

сматриваться певцами как основа, так называемый “уртекст” передает первоначальный замысел композитора, то есть тип художественной интерпретации с учетом индивидуально-художественной интерпретации.

Нотные тексты произведений эпохи барокко богаты мелизматикой и различными агогическими оттенками. Известно, что музыка рассматриваемого периода обладала так называемой манерностью, преувеличенностью и вычурностью, особенно это относится к вокальным партиям. Известно, что в эпоху барокко композитор и аккомпаниатор были одним и тем же лицом,

что объясняет “скудность” в записи инструментальной партии.

Изучая певческий стиль барокко, отметим, что в ее основе лежит традиция *bel canto* (прекрасное пение). Вокальная лирика была излюбленным жанром композиторов XVII-XVIII в.в., а искусство *bel canto*, вплоть до конца XIX века предопределило развитие оперного искусства в Европе. С этим и связан пристальный научный интерес исследователей к искусству барочного пения. Узбекское музыкознание практически не затрагивает эту проблему ни в научном, ни в методологическом аспектах.

Методологической основой настоящей статьи стали работы И. Назаренко “Искусство пения” [8] и Л. Ярославцевой “Зарубежные вокальные школы” [14]. Названные труды рассматривают вопросы генезиса и дальнейшего развития оперного искусства Италии, Франции, Германии. Информация о выдающихся певцах и их творческих достижениях подкреплена анализом стиля и специфики композиторского письма. Методика воспитания вокалиста проявляется в анализе исторического периода, определении стиля эпохи и выявлении вокально-исполнительских задач.

Настольная книга любого профессионального музыканта, учебник Т. Ливановой “История западноевропейской музыки до 1789 года” [4; 5], а также фундаментальный труд П. Луцкера и И. Сусидко “Итальянская опера XVIII века” [6] в двух томах посвящены генезису, изучению исторических процессов и определению приоритетных направлений в развитии оперного искусства.

Повышенный интерес к искусству прекрасного пения проявляется в работах музыковедов XX века, там термин *bel canto* определен как вокально-

исполнительское искусство, как стиль – в статье Е. Рубахи “Ещё раз о *bel canto*” [10]. Необходимо отметить, что о *bel canto* говорят и как в разрезе проблемы тембра, так и раскрывая стиль композиторского творчества. Ряд методических разработок выявляет такие параметры как стабильность голоса на протяжении всего диапазона и тотальный контроль дыхания (*filare il suono*), красота тембра и его многогранность выявляют в искусстве владения техникой и умении импровизировать.

Ярким представителем эпохи барокко в оперном искусстве по праву считается Дж. Россини. Его творчество восхищает не только любителей музыки наших дней, его ценили и современники композитора, восхищаясь красотой музыкального материала, логической выстроенности драматургии, актуальностью выбранного сюжета и адекватной его трактовке. Чего нельзя в полной мере сказать о современниках и коллегах по цеху Беллини и Доницетти. Их современники по разному относились к этим представителям итальянской оперной классики, многие считали что они лишь производный компонент россиниевского духа и являются лишь тенью “Солнца оперного искусства”. Однако, в конце XIX века интерес к Беллини и Доницетти возрастает, так известный реформатор оперного искусства Рихард Вагнер рассуждая об операх Беллини отмечает: “В мелодике Беллини – благородной, простой, непосредственной – заключаются такие источники эмоционального- воздействия, может быть, совершенно прав был Галеви, воскликнувший однажды, что он готов отдать всю свою музыку за одну “*Casta diva*” из “*Нормы*”” [3]. Таким образом, эстетический противник Беллини подчеркнул не только значимость мелодического дарования итальянского маэстро, но и

силу эмоционального воздействия на слушателя. Мелодикой оперных маэстро восхищался и П. И. Чайковский, взяв целые номера в качестве цитат в свои оперы (например, графиня в “Пиковая дама” напевает арию из оперы Гретри).

Музыковедческие работы посвященные эпохе барокко отмечая несовершенство современников Россини оставляют за скобками их вклад в развитие искусства *bel canto*. Это объясняется тем, что музыковеды больше сосредотачиваются на историческом аспекте эволюции оперного искусства, не обращая внимание на претворение традиций вокального мастерства. Это и стало причиной малоизученности традиций вокального искусства в эпоху барокко.

Полемика вокруг творчества двух маэстро - Беллини и Доницетти, уже есть доказательство их вклада в мировую музыкальную культуру. Изучение их творчества способствует пониманию эстетики и значения *bel canto* в контексте стиля барокко, где свойственная направлению вычурность и изысканность объясняется красотой вокала и рафинированностью колоратуры.

Сегодня, в современных условиях сложно приблизиться к адекватной интерпретации арий в стиле барокко без изучения творчества Россини, Беллини и Доницетти, поскольку названные композиторы не только пивали музыку, они работали с оперными певцами и в качестве капельмейстеров и, в качестве преподавателей по вокалу.

Использованная литература

1. Гуно Ш. Воспоминания артиста. -Москва: 1962. С. 62.
2. Драч И. Оперное творчество Г. Доницетти в итальянской музыкально-театральной культуре эпохи романтизма. Дисс. канд. иск. -Киев: 1989. С. 24.
3. Крунтяева Т. Винченцо Беллини. -Ленинград: 1984. С. 55.
4. Ливанова Т. История западноевропейской музыки до 1789 года. Т. II. -Москва: 1987.
5. Луцкер П., Сусидко И. Итальянская опера XVIII века. Ч. II. -Москва: 2004.
6. Рубаха Е. Ещё раз о *bel canto* Е. Рубаха //Старинная музыка. -Москва: 2004. - № 1/2. - С. 18-21.
7. Ярославцева Л. Опера. Певцы. Вокальные школы Италии, Франции, Германии XVII-XX веков. -Москва: 2004.

ГАППАРОВ Фарҳоджон,

Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси

ҒИЖЖАК ИЖРО ТЕХНИКАСИ ВА ШТРИХЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада ғижжак чолғу ижрочилиги техникасини ошириш ва мусиқий белгиларни тўғри англаш ва ижро этиш орқали ижрочилик услубиётини тўғри шакллантиришга доир фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: ўзбек халқ ижоди, ғижжак, тремоло, деташе, ижро техникаси, стакатто.

Аннотация. В данной статье поднимаются вопросы развития техники исполнения на гижжаке, рассматриваются некоторые штрихи способствующие адекватной трактовке музыкального текста.

Ключевые слова: творчество узбекского народа, гижжак, тремоло, деташе, техника исполнения, стакатто.

Annotation. This article raises the development of the technique of performance on the gijzhak, considers some strokes that contribute to the adequate interpretation of the musical text.

Key words: creativity of the Uzbek people, hydzhak, tremolo, detaché, technique of performance, staccato.

Бугунги кунда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда сўзлаган маърузасида бу борадаги вазифалар янада аниқ-равшан белгиланиб, маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Уларнинг ижросини таъминлаш бўйича бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда. Бу борада “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор алоҳида аҳамиятга эга.

“... Халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда гоёта муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида” бир неча дастурлар ишлаб чиқилгани аҳамиятлидир [5].

Бугунги кунда ривожланиб бораётган ғижжак ижрочилиги санъати анъаналари, ифодавий воситалари, миллий мусиқий мерос ва умумбашарий мусиқий қадриятлар асосида яратилаётган асарлар оммалашиб, инсон тафаккурига сингиб бормоқда.

Таълим жараёнида ғижжак чолғу ижрочилиги услублари ва техникасини такомиллаштириш учун, аввало, ижрочилик техникасини таҳлил қилиш лозим. “Техника” сўзи чолғу ижрочилигида қандай ўрин тутди ва “Ижрочилик

техникаси” нима, деган савол туғилади. Аслида бу сўз деярли барча жабҳаларда ишлатилади. Ғижжак чолғу ижрочилигида техника, биринчи навбатда, синовдан ўтган, қатъий исботланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда шакллантирилган билим ва кўникмаларни тўғри бажариш устига қурилган ҳаракатлар ҳамда уларнинг натижасида ҳосил бўлган тезкорлик дейилса, айтиш ҳақиқат.

Шундай натижага эришиш учун кўпгина билим ва кўникмаларни алоҳида-алоҳида ўзлаштириш керак. Ғижжакда товуш ҳосил қилиш услублари, штрихлар, чап кўл бармоқларининг чолғу дастасидаги жойлашиш ҳолатлари (*позиция, аппликатура*), вибрация, флажолет, гамма ва этюд кабилар созанданинг асосий қуроли ҳисобланади. Ғижжакда икки хил услубда, асосан, камон юргизиш ва торларни чертиш орқали товуш ҳосил қилинади.

Камон билан товуш ҳосил қилиш услублари. Камоннинг торлар устидаги турли ҳаракатлари натижасида ранг-баранг товушлар ҳосил қилинади. Улар штрих деб аталади. Штрихлар ҳар хил бўлади. Улар камонни тордан кўтармай ва сакратиб ижро этиладиган гуруҳларга ажратилади.

Камонни тордан кўтармай ижро этиладиган штрихлар [3].

Деташе [6] – бошланғич ва асосий штрихдир. Бу штрих товушларнинг ҳар бирини алоҳида, камонни пастга ва юқорига юргизиш орқали ҳосил қилинади. Камон ҳаракати пастдан юқорига ёки юқоридан пастга алмашаётганида товушлар узилмаслиги, равон ва текис уланиши лозим. Деташе асарнинг характери, суръати, динамикасига қараб камоннинг бутун узунлиги билан ҳамда пастки, ўрта ва юқори қисмларида ҳам қўлланади.

Легато [7] – икки ва ундан ортиқ товушларни бир томонга, яъни ка-

моннинг пастга ёки юқорига ҳаракати бўйича улаб ижро этишдир. Бу штрих орқали ғижжакнинг майин, нафис, куйчанлик сифатлари яққол кўринади. Нечта товуш камон ҳаракатининг бир томонига ижро этилишига қараб, камон ҳам тенг тақсимланиши керак. Легато битта ва бир неча торларда яъни тордан-торга ўтиб ижро этилиши мумкин. Бу штрих бир неча торларда ижро этилганида, навбатдаги торга ўтишдан олдин камон ўша торга аста яқинлаштирилади. Шунда товушларнинг текислиги, майинлиги ва юмшоқлиги сақлаб қолинади. Ўз ўрнида бу кўникмаларни ўзлаштириш лозим. Лига чизиги билан бирлаштирилган ноталарнинг устига ёки остига чизикчалар қўйилган бўлса, унда шу чизикчалар қўйилган ноталар камоннинг пастга ё юқорига йўналиши бўйича енгил тўхтатиб, ажратиб ижро этилади. Бу штрих портато (итальянча – “таъкидлаш”) дейилади.

Мартеле [8] штрихи акцент билан бошлаб, узиб чалинади. Камон шахдам, тез тортилади, кескин тўхтатилади ва ўзининг чўзимини тенг ярми ҳисобида пауза ҳосил қилиниши шарт. Мартеле камоннинг ҳамма қисмида, кўпроқ юқори қисмида ижро этилади.

Маркато акцент қўйилган деташе бўлиб, урғу билан бошланади, тугатилишида товуш пасаяди, лекин тўхтатилмайди.

Стаккато [9] – икки ва ундан ортиқ товушларни камоннинг бир томонга йўналиши бўйича узиб-узиб, аммо тордан кўтармасдан ижро этиш. Стаккато штрихи, асосан, камоннинг юқорига йўналишида қўлланади.

Виотти штрихи итальян композитори, скрипкачи Виотти номига қўйилган. Аввал биринчи товуш алоҳида, кейин камоннинг ҳар бир йўналиши бўйича иккитадан ноталар чали-

нади. Бундай ноталарнинг биринчиси кучсиз, иккинчиси кучлироқ, бўрттириб ижро этилади. Бу ҳолат товуш чўзимларининг синкопа, яъни кучли хисса кучсиз хиссага ўтишидек тарзда ифодаланади.

Сакратиб чалинадиган штрихлар.

Спиккато [10] штрихи товушлар камоннинг алоҳида, қисқа-қисқа пастга ва юқорига сакратиб амалга ошириладиган ҳаракатидан ҳосил бўлади. Спиккато ўнг қўл панжасининг енгил ҳаракати орқали ижро этилади. Ёзувда ноталарнинг устига нуқта билан белгиланади, аммо лига 43 чизиғи билан бирлаштирилмайди. Бу штрихни ижро этишда камоннинг айни керак жойидан фойдаланиш тавсия этилади. Камоннинг бошланиш, яъни колодка қисмидан ўрта қисмига (аммо тенг ўрта қисми эмас) яқин жойида ижро этилса, штрих ўз сифатини тўлиқ кўрсатади. Чунки шу жойда камоннинг таранглик хусусияти кўпроқ.

Стаккато Волант – учар стаккато – худди оддий стаккатодек ёзилади. Баъзан ноталар устига ёки остига сўз билан стаккато волант деб ёзилади, ёзилмаган ҳолда асарнинг суръати, характериға қараб ҳам қўлланади. Оддий стаккатода камонни тордан кўтармай, бир томонга узиб-узиб ижро этилса, учар стаккатода камонни бир томонга сакратиб ижро этилади. Демак, бир нечта спиккатоларни камоннинг юқорига йўналиши бўйича сакратиб чалишдир. Тезкор суръатли, шўхчан, завқли асарларда кўп қўлланади.

Саутилле [11] – сотие спиккато штрихининг бир тури. Бу штрих ўнг қўл панжасининг пастга ва юқорига тезкор ҳаракати натижасида камоннинг таранглик маркази орқали амалга оширилади. Иккиталик спиккато дейиш ҳам мумкин, чунки бу штрихда товушлар жуфт берилади. Ҳаракат тезлиги ва камон таранглиги натижасида

камон тордан механик тарзда қайтиб сакраши сабабли сотие штрихи ижросида тезкорлик қулайроқ амалга оширилади. Спиккато штрихи ижросида эса камон созанданинг ўнг қўл панжаси ёрдамида ҳар гал енгиллик билан торга махсус ҳаракат орқали ташлаш ва кўтариб олишни бошқариши керак бўлганлиги учун бирмунча мураккаброқ. Иккинчи томондан, сотие штрихида товушлар иккитадан ижро этилиши сабабли чап қўл бармоқлари тезкорлик борасида қийинчиликка дуч келмайди, спиккато штрихининг мураккаблиги эса чап қўл бармоқлари ҳар бир товушни якка, дона-дона, аниқ, тезкор ҳаракатда бажаришидадир. Шунинг учун тезкорлик борасида спиккато сотие штрихичалик эмас.

Рикошет – рикошет – камонни ўз оғирлиги билан юқоридан торга ташланади, ҳали инерция кучи тугамай туриб давомига бир нечта товушлар бир томонга сакратиб чалинади. Асосан, бу штрих камоннинг пастга йўналиши бўйича қўлланади. Кўпроқ тезкор, енгил, завқли характердаги асарларда учрайди. Бундан ташқари, гижжак ижрочилигида қуйидаги штрихлар ҳам қўлланади.

Тремоло [12] штрихи ўнг қўл панжасининг эркин, тезкор ҳаракати орқали камонни пастга ва тепага навбатма-навбат ижро этишдир. Тремоло асарларнинг баъзи лавҳаларида ва асосан, жўр бўлиш ҳолларида учрайди. Чап қўлда амалга ошириладиган тремоло – ўнг қўлда ижро этиладиган тремолодан фарқли ўлароқ, чап қўл бармоқлари орқали бажарилади. Битта торда (икки ёнма-ён эмас) икки ҳар хил баландликдаги товушларни кетма-кет тезкорлик билан ижро этиш. Бу услуб ҳам кўпроқ жўр бўлиш ҳолларида ишлатилади. Айтайлик, оркестр ижрочилигида асарнинг асосий куй матнини қайсидир чолғулар гуруҳи ижро этипти,

уйғунлик ҳамоҳанглиги (гармония) товушларини чўзиб ушлаб турилиши каби ҳолларда қўлланади. Яна бир қизиқ штрих Солл легно деб аталади. У камоннинг ёғоч қисми билан ижро этилади. Ёзувда “Сол легно” сўзи билан белгиланади ва ўша ердан бошлаб “арсо” белгиси ёзилган жойгача камон ёғочи билан чалинади.

Ғижжак ижрочилигида камон орқали товушлар ҳосил қилиш билан бир қаторда торларни чертиш орқали ҳам товуш ҳосил қилинади. Торлар бармоқлар орқали чертиб чалиниши пиззисато дейилади. Ёзувда “пизз” деб белгиланган жойдан бошлаб чертиб чалинади. Асардаги чертиб чалинадиган парча тугаб, камон билан чалишга ўтиш керак бўлса, ўша жойга “арсо” сўзи ёзилади. Яна шунга эътибор бериш керакки, агар куй матни бир овозли бўлса, пиззисато ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан чапдан ўнгга, агар икки ва ундан ортиқ, яъни аккорд ёки арпеджио тарзида бўлса, ўнг қўлнинг бош бармоғи (бошмалдоғи) билан товушларнинг пастдан юқорига жойлашиши бўйича ўндан чапга чертиб ижро этилади. Нота устига ёки остига + белгиси ёзилган бўлса, унда пиззисато услуби чап қўлнинг бармоқлари орқали чертиб, юлиб ижро этилади [3].

Аввало чолғуни яхши билиш, унинг барча қисмларини мукаммал ўзлаштириш созанданинг асосий мақсади бўлиши керак. Ғижжак дастасида (грифида) бажариладиган чап қўл ҳаракатларининг ҳаммасини назарий ва илмий жиҳатдан аниқ, тўғри англаган ҳолда ўрганиш – энг мураккаб масалалардан бири. Албатта, бу ўринда позицияларнинг аҳамияти жуда муҳим ва улар тўғрисида кенгроқ маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Позиция чап қўл бармоқларининг чолғу дастасида жойлашиш ҳолатлари бўлиб, ёзувда I, II, IIII каби рим рақамлари билан белгиланади. Позициялар

биринчи бармоқнинг қўйилган ўрни билан аниқланади. Масалан, ля торида биринчи бармоқ си, иккинчи до, учинчи ре, тўртинчи ми пардаларига тўғри келади. Бу ҳолат биринчи позиция дейилади. Агар иккинчи бармоқ ўрнини биринчи бармоқ, яъни до пардасини биринчи бармоқ эгалласа, иккинчи позиция ва шу тарзда учинчи, тўртинчи ва ҳоказо давом этади. Ғижжакда ўн учта, яримпозиция билан ўн тўртта позиция бор. Булар мураккаб асарларда муҳим роль ўйнайди. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, юқорига кўтарилган сари ғижжак дастасининг мензураси торайиб боради ва бармоқлар жойлашиши зичлашади. Бундай ҳолларда позиция биринчи билан тўртинчи бармоқлар эмас, биринчи билан учинчи (гоҳида иккинчи) бармоқлар оралиғи масофасида аниқланади. Ғижжакнинг энг юқори пардалари тўртинчи октава сол, ля ноталарига тўғри келади. Аммо баъзан бундан-да юқори пардалар қўлланади. Очиқ торлардан кейин ярим тон оралиғида биринчи пардани биринчи бармоқ билан ижро этишдаги бармоқларнинг жойлашиш ҳолати яримпозиция дейилади.

Глиссандо [13]. Маълум товушдан бошқа товушгача у ёки бу бармоқни тордан кўтармай, узмасдан, сирғалтириб ижро этиш услуби глиссандо дейилади. Глиссандо қайси товушдан бошлаб қайси товушгача ижро этилишини ёзувда ўша ноталар ўртасига бирлаштирувчи тўлқинли чизик ёки қисқа “глисс” сўзи, яна тўғри чизик билан бирлаштириб ҳам ифодаланади.

Портаменто [14]. Портаменто секинлаштирилган глиссандодир. Бир товушдан бошқасига секин, тайёргарлик билан ўтилади. Бу ўтиш худди позиция алмашувларининг кўринишларига ўхшайди. Масалан, бир ва ўша бармоқ орқали позицияга ўтиш кўриниши ёки дастлабки позициядаги охириги нотани

олаётган бармоқ тор устида сирғалиб, янги позициядаги бармоқнинг ўз ўрнига тушишини таъминлаганидек кўришишлар назарда тутиляпти. Фақат бу ҳаракатлар биров сирғалтириб (аммо чуқур эмас) глиссандо ҳаракатини бажарган ҳолда, етиб бориладиган нота жойлашган позицияга сирғалаётган бармоқни тайёрлаб олиб бориш йўли билан бажарилади.

Юқорида тарифлаб ўтилган муסיқа ифода воситалари асарга ўзига хос безак беради. Штрих, белгилар орқали ғижжак ижрочилик техникасини ўстириш ўз натижасини беради. Нафақат ғижжак, бошқа чолғу ижрочилиги техникасини ошириш учун муסיқий белгиларга эътибор бериш, тўғри қўллаш ижрочилик кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кароматов Ф. М. Халқ муסיқаси//Ўзбек муסיқаси тарихи. Тузувчи Соломонова Т. Э. -Тошкент: Гофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2011. -27, 34-бб.
2. Нурматов Х. Ўзбек халқ муסיқаси. -Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти. 1998.
3. Yakubov Z. M. “Cholg‘u ijrochiligi, g‘ijjak cholg‘usi” fani bo‘yicha o‘quv qo‘llanma. -Samarqand: SamDU nashri, 2021.
4. Раҳимов Қ. Чолғучилар ансамбли. -Тошкент: “Фан ва технологиялар”. 2006.
5. Toshkent oqshomi, 2017-yil, 9-avgust, 2-3 betlar.
6. Иванов В. Д. Словарь музыканта-духовика: -Москва: “Музыка”, 2007. -128 с.
7. Wharram, Barbara (2005). Wood, Kathleen (ed.). Elementary Rudiments of Music (Reviseded.). Mississauga: Frederick Harris Music. ISBN 1-55440-011-2.
8. Martelé. Oxford Music Online. Oxford University Press. 2001. doi:10.1093/gmo/9781561592630.article.17877.
9. Стаккато – статья из Большой советской энциклопедии.
10. Knut Guettler and Anders Askenfelt (1997).
11. <https://www.freemusicdictionary.com/definition/sautille/>
12. Нечепоренко П., Мельников В. Школа игры на балалайке. -Москва: “Музыка”, 2004.
13. Александров А. Школа игры на трёхструнной домре. -Москва: “Музыка”, 1979.
14. Алексеев И. Д. Методика преподавания игры на баяне. Дата обращения: 12 января 2012. Архивировано 16 июля 2014 года.

ЮНУСОВ Улугбек,

Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти в. б.

МИЛЛИЙ МУСИҚА НАМУНАЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ЎЗИГА ХОС БЕЗАКЛАР

Аннотация. Мазкур мақола дутор чолғусида мақом ва ўзбек миллий куйларидаги безак, нола, қочирим ва уларнинг тузилиши, ижрочиликдаги ўрнига бағишланган. Шунингдек, нолиш, молиш, кашиш, орттирилган кашиш, камайтирилган кашиш, оғишма кашиш, миянғ ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: нолиш, молиш, кашиш, орттирилган кашиш, камайтирилган кашиш.

Аннотация. В данной статье раскрыты вопросы исполнительской культуры узбекских макомов. Автор разбирает ряд мелизмов и приемов их исполнения, что определяет национальный стиль произведений. Подробно описываются способы и приёмы исполнения форшлага (безак), трели (бидратма), мордента (сайкал).

Ключевые слова: нолиш, молиш, кашиш, увеличенный кашиш, уменьшенный кашиш.

Annotation. This article is devoted to the culture of performing melisms when performing Uzbek Makoms and traditional works on dutar. The article describes in detail melisms like forschlag, drill, mordent and other national adornments of musical melody.

Key words: nolish, molish, kashish, ortirilgan kashish, kamaytirilgan kashish, og'ishma kashish, miyang'.

Созанда асар ижро қилар экан, товушларга безаклар, сайқаллар қўшиб нафислик бағишлайди. Европа композиторлари асарларида трел, форшлаг, мордент каби муסיқий безаклар нота ёзувида ўз аксини топган бўлса, миллий муסיқа ижрочилик санъатмиздаги мавжуд безаклар оғзаки тарзда, устоз-шоғирд анъаналари услубида бизгача етиб келди. Дутор чолғу ижрочилигидаги безаклар хилма-хил бўлиб, бошқа миллий чолғуларда ҳам кенг қўлланади.

Куйлардаги товушларни сайқал билан ижро этиш ҳар бир Шарқ халқлари муסיқа ижрочилигига хос анъана бўлиб, “қочирим”, “нола” каби махсус атамалар

маълум, лекин ижроси бўйича бир-бирдан фарқ қилади ва бир неча турга бўлинади.

Нолиш – “нола” сўздан олинган, форсчада “ийғлаш” маъносини англатиб, куй йўли ёки ашуланинг бир бўғинини титратиб чўзишдир. Ушбу безак чап қўл бармоғи торни маҳкам босиб пардада кўндаланг (вертикал) йўналишда ҳаракатлантириш билан товушни ярим тонгача ўзгартириб ўзига хос безакни амалга ошириш демакдир. Нота юқорисига ~ белгиси билан ифодаланади ҳамда асосан яримталиқ, чоракталиқ, саккизталиқ ноталарда садолантириб ижро қилинади.

ёзилиши бўйича

Хоразм мақом туркумидан "ХОРАЗМ ЭШВОЙИ"



ижро этилиши бўйича



Нолиш қўлланилган нота тон сифатидан тебранади ва шу жиҳати билан бошқа мелизлардан ажралиб туради.

Молиш [2; 34] – (форсча “молаш” – “силамоқ”) пардаларни оҳиста бир-бири билан боғлаш бўлиб, глиссандога ўхшаб кетади ва асарни бадиий томонлама бойитишда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чап қўл бармоқларини дастадан кўтармасдан, бир товуш садоси остида иккинчи ёки яна бир неча товушларни сирғалтириб ижро қилиниши-

дир. Бунда аппликатура муҳим аҳамиятга эга бўлиб, молиш турларига қараб қўлланилади.

Ярим ва бир тон оралиғидаги молиш турли бармоқлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бунда қуй йўналиши асосий омил ҳисобланиб, юқорига йўналганда мелодия бўйлаб безакнинг асосий нотасига биринчи бармоқ, кейинги товушга эса иккинчи бармоқ қўйилгач, иккинчи бармоқ билан глиссандо ҳолатида асосий товушга қайтилади;



безак мелодияга қарама-қарши томонга бажарилса, асосий нотага биринчи бармоқ, қуйи товушга эса иккинчи, ва яна биринчи бармоқ билан глиссандо

ҳолатда асосий товушга қайтилади. Молиш бу турига \cup қуйидаги рамз қўлланилади.



Асосий товуш иккинчи бармоқ билан олиниб, тор чертилгандан кейин садоси остида ярим тон пастки товушга биринчи бармоқ, сўнг асосий товушдан бир тон юқоридаги товушга иккинчи бармоқ қўйилиб, сирғалтириб, қайтиб асосий то-

вушга келиб ечилиши билан молишнинг яна бир тури амалда қўлланилади. Бу ҳолда безак бир ярим тон интервални эгаллайди. Кичик ва катта терцияларда ижро қилинадиган молишнинг бу турларида нота юқорисига \cap белгиси қўйилади.



Агар молиш кварта, квинта ва ундан ортиқ интерваллар оралиғида ижро қилинса, безак йўналишига қараб юқорига , пастга эса  белгиси кўрсатилади.


Одатда бундай оралиқдаги безакда бармоқлар ўзгартирилмайди, лекин созанинг маҳоратидан келиб чиққан ҳолда истисно бўлиши мумкин.



Мизробли чолғуларда қўлланиладиган безак усулларидан яна бири – “кашиш”. Қайд этилган миллий мусиқий безаклар қадимдан хонанда-созандалар томонидан доимий ишлатилиб келинган [2; 74].

Кашиш – “кашидан” сўзидан олинган бўйб, форсчада “тортмоқ”, “тортиш” маъноларини англатади ва маълум пардадан иккинчи товушни тортиб олиш билан юзага келади. Уни ижро қилиш созадан маҳорат ҳамда тажриба талаб қилганлиги сабабли ўқувчи ёки та-

лабага ушбу безакни ўргатишдан олдин машқлар билан тайёрлаб бориш лозим. Дуторда ушбу безак икки усулда ижро қилиниши мумкин: биринчи, чап қўл биринчи бармоғи пардани босгач, торни кўндаланг ҳолатда юқорига кўтарса, иккинчи бармоқ эса қарама-қарши томонга торни пастга тортади; иккинчи, биринчи бармоқ бир пардада, иккинчи ва учинчи бармоқлар кейинги пардага қўйилиб даста бўйлаб юқорига чолғу торини маҳкам босиб тортилади.



Дутор чолғуси торлари ипак ёки капрондан бўлганлиги сабабли пастки регистр пардаларда ярим тонгача, юқори регистрларда бир тонгача кашииш безагини амалга ошириш мумкин. Якка ижрочиликда куй салобатини ошириш, дутор мунгини сайқаллаш мақсадида чолғуни бир ёки бир ярим тон паст созлаш (мисол тариқасида миллий дутор торлари кварта, квинта ва унисон “до-сол”, “до-фа” ёки “до-до”га созланиши мумкин) амалиётда қўлланади. Бу, ўз навбатида, торларнинг бўшаши ҳамда юмшаши натижасида турли безаклар ва хусусан, кашиишнинг барча турлари сифатли ижросига замин яратади. Безак-

лар куй ладлари доирасидан чиқмаган ҳолда ижро қилинар экан, кашиишнинг орттирилган, камайтирилган ва оғишма турлари ҳам бундан мустасно эмас. Ярим тон оралиғидаги кашииш  белгиси билан ифодаланса, бир ва ундан ортиқ тонлар оралиғидаги безак учун  рамзи қўлланилади.

Орттирилган кашииш – оҳанг баландлигини бир пардадан иккинчи товушни тортиб, юқорига кўтариб ўзгартиришдир. Бунда ижрочи торни чертиши билан безакни қўллайди ва ярим ёки бир тон доирасида орттирилган ҳолатда кашииш яқунланади. Нотада акс эттиришда кашииш белгиси олдида ↑ ишпораси қўйилади.




Камайтирилган кашиш – чолғу торларини кашиш ҳолатда тортиб, сўнг чертиб, чап қўл бармоқларини бўшаштириш билан безак амалга оширишдир. Ушбу ҳолатда созанда ярим,

бир ёки бир ярим тон оралиғида товуш баландлигини пастга камайтиришади. Камайтирилган кашиш белгиси сифатида ↓ рамздан фойдаланилади.



Оғишма кашиш – ижрода чолғу чертилгандан сўнг чап қўл бармоқлари билан торларни тортиб бўшаштириш на-

тижасида оҳанг ярим ёки бир тонгача кўтарилиб, яна биринчи тонга қайтиб садоланишидир.



Миянғ [3; 10] – кашишнинг мураккаб турларидан бўлиб, бунда бир неча безак мужассамлашган ҳолда келади. Бир пардада якка зарб билан ҳам нолиш,

ҳам кашиш бажарилади. Аввал нолиш, сўнг кашиш келса, ~ рамзи; олдин кашиш келиб, кетидан нолиш келса, қуйидаги ~ белгилар қўйилади.



Юқорида таъкидлаб ўтилган барча безаклар миллий муסיқага нафислик, гўзаллик бағишлайди, шу билан бирга со-

заңдадан муҳим омилга эътибор беришни талаб қилади. Бу – тоналлик, ладдан оғишмаган ҳолда безакларни ижро қилишдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тахалов Сулаймон. Афғон рубобини чалишга ўргатиш методикаси асослари. -Т.: "Ўқитувчи", 1984.
2. Назаров Одилжон. Қашқар рубобида ўқитиш услубиёти – Rubob ijrochiligi. -Т.: "Офсет принт", 2008.
3. Зияева Малика. Дутор (Ф. Содиқов ижро услуби). -Т.: "Муסיқа", 2011.

ЗАКИРОВА Шаҳноза,

Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти

ТОККАТА ИЖРОЧИЛИК УСЛУБЛАРИ Р. ШУМАН ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ МИСОЛИДА

Аннотация. Мақолада Роберт Шуманнинг Токкатаси ёрқинлиги ва ғоясининг ҳажмдорлиги билан ажралиб туриши кўрсатилиб берилган. Р. Шуман Токкатаси М. Равел Токкатаси, С. Прокофьев Токкатаси каби энг мураккаб асарларга йўл очган бўлиб, жаҳон пианизми чўққиларидан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: токката, ижрочилик санъати, романтизм, миниатюра.

Аннотация. Данная статья посвящена раскрытию художественного и идейного содержания Токатты Роберта Шумана. Анализируемое произведение Р. Шумана наряду с Токкатами М. Равеля и С. Прокофьева считается вершиной мирового пианистического искусства.

Ключевые слова: токката, исполнительское искусство, романтизм, миниатюра.

Annotation. This article is focussed on the disclosure of the artistic and ideological content of Robert Schuman's Toccata. The analysed work of R. Schuman along with Toccats of M. Ravel and S. Prokofiev is considered the pinnacle of the world piano art.

Key words: toccata, performing art, romanticism, miniature.

Р. Шуманнинг C-dur op.7 Токкатаси (1830, иккинчи таҳрири 1833) – буюк немис композиторининг мазкур жанрда яратган ягона асари бўлиб, уни яқин дўсти, истеъдодли пианиночи ва композитор Людвиг Шункега (1810-1834) бағишлаган. У “Янги мусиқий журнал”да Шуманга ҳамкор муҳаррир, ҳамфикр эди. Мусиқада янги йўللار очишга интилиш бу икки инсонни бирлаштирди. Л. Шунке мусиқачивалторначилар оиласида ўсган, ниҳоятда истеъдодли, ижодкор шахс эди. У Шуман учун кўп жиҳатдан Флорестан ва Эвзебий образларининг прототиби бўлди. Токкатани дўстига бағишлар экан, Р. Шуман унда ўсмирликдаги ҳаётини фаоллик, ҳаётга чанқоқлик ғояси концепциясини ифодалайди. C-dur тоналлиги Р. Шуманни энг ғайриоддий товуш экспериментлари, шифр ва рамзларга илҳомлантирган (композиторнинг фортепиано асарлари удар билан тўлиб-тошган) Клара Вик образи билан семантик боғлиқликка ишора қилади.

Р. Шуман Токкатаси замондошлари ни ёрқинлиги ва ғоясининг ҳажмдорлиги билан ҳайратлангирди. Уни яратишда бир қатор замонавий асарлар, хусусан, француз композитори ва пианиночиси Жорж Онсловнинг Каприс ва op.6 Токкатаси туртки бўлиб хизмат қилди. Асардаги сўнмас энергия, гармоник ўзига хослик ўша даврдаги тажрибаларни ортда қолдирди. Р. Шуман Токкатаси қатъий услубига қарамай тингловчига теран, забт этувчи сеҳр билан таъсир ўтказадиган, янгиликка тўла асардир. Токката соната шаклида ёзилган. Р. Шуманнинг новаторлиги пьесанинг дадил гармоник тилида, композиторга хос бўлган полифоник баён услуби билан боғлиқ аккордли ва аккордсиз товушлар кесишувида ҳам намоён бўлди.

Асар икки тактли муқаддима билан очилади, унда Р. Шуманнинг эпиграф-императиви тингловчиларни тўхтовсиз товуш оқими билан шиддатли тарзда интилаётган воқеаларга чорлаган ҳолда, мағрурлик билан эълон қилинади:


1-мисол



Бош партиянинг аккордли тузилмаси, тўртовли баёни бармоқларни фаол ишлашга, специфик моторли зарбли техникадан фойдаланишга мажбур қилиб, жуда катта аниқлик ва зарблар мустақамлигини талаб этади. Ҳосил бўлган диссонанс жаранглар ўзаро кескин тўқнашиб, асарнинг энергетик пафоси, соф шуманча ажойибот ва оригиналликни ифодалайди.

21-тактдан эътиборан пьесанинг бошида берилган фактура тоифаси янги деталлар билан бойитилган ҳолда, аста-секин ўзгариб боради. Шундай қилиб, 21-тактда чап қўл партияси синкопаланган аккордлар кўринишида йириклашади, 25-тактдан эса шуманча миниатюраларга хос, фактуранинг мутлақо янги “нотоккатавий” тоифаси пайдо бўлади:

2-мисол



Бу – боғловчи партия. У ўзининг полимелодиклиги ҳамда сирли, сеҳрли товушларга кўшилиб кетувчи турли ритмик фигураларнинг ажиб ўйини билан лол қолдиради. Бу – Р. Шуманнинг ҳайратланарли топилмасидир. Ушбу товушлар миражи 33-34 тактларда терциявий пассажларнинг шиддатли тарзда ёпирилувчи оқимига бориб қуйилади ва

кейинчалик ҳаракат умумий шакллари хроматизмларига бой тоқкаталиликнинг янги тўлқинини ҳосил қилиб, фактуранинг ўрта қатламида, аввал чап қўл партиясида янгроччи, сўнгра эса октавалар билан баён этиладиган ўнг қўл партиясига ўтувчи кенг ривожланган иродали, бўрттирилган қуй пайдо бўлишига олиб келади:

3-мисол






Мазкур куй G-dur доминанта тоналлигидаги ранг-баранг фигурациялар оқими фонида жуда ёрқин янграйди ва ёндош партия мавзуси сифатида қабул қилинади. У экспозициянинг якуний партиясини ҳосил қилувчи “ўн олтиталиклар”нинг шиддатли оқимига жалб этилади, уни Р. Шуман мумтоз анъанавий соната шакллариға мувофиқ такрорлайди.

Ривожлов қисмиға экспозициянинг барча мавзуй унсурлари, шу жумладан, бошланғич кўрсатма сифатида эпиграф, воқеаларға чорлов жалб этилган. Ривожлов қисмида тонал ривожланиш “a-moll”дан “d-moll”гача бўлган тоналликларнинг кенг қамровини ўз ичига олади ва октавали репетицион техникадан фойдаланади:

4-мисол



Якунда ривож доминантали тайёрловчи тузилма (предыкт) ва бош мавзудан аввал келувчи муқаддимаға етиб келади, у репризада ўзгаришсиз баён этилади. Боғловчи партияға келсак, у чолғунинг барча регистрлари қамровининг апогеясиға эришган ҳолда, виртуоз пианизмнинг ҳажмдор ривожи борасида аҳамиятли равишда ўзгартирилган ва симфониялаштирилган. Ушбу бўлимни ижро этаётиб, лигалар билан белгиланган куй чизиқларининг кенг қамровига интилиш, мелодик тўлқинларнинг эгилувчанлигига эришиш зарур.

Товуш базмининг айни қизиган палласида C-dur тоналлигида ёндош партия мавзуси пайдо бўлади, у дастлаб чап қўл партиясида, сўнгра эса октавали баён билан ўнг қўл партиясида янграйди. Ёндош партия мавзусининг пайдо бўлишини ундан олдин келган тўрт тактда тайёрлаш зарур, унда Р. Шуманнинг диминуэндо э ритар-

дандо кўрсатмаси мавжуд. Ушбу кўрсатмага мувофиқ тарзда, ёндош партия мавзуси янада аҳамиятли ва таъсирли янграши учун жаранг кучини заифлаштириш, ҳаракатни кенгайтириш зарур. Бу улуғвор мавзу эълон қилингандан сўнг ҳаракатнинг умумий шакллариға шу мавзунинг пунктир ритмлари жалб этилади, улар мусиқий таъсир психологизмини, унинг мутлақ эмоционал тўйинганлигини чуқурлаштириб, худди ички овозлардек янграйди.

Фактуранинг кейинги зичлашуви, фортепиано юқори регистрининг қамрови товуш оқимини кучайтириб, қувватни оширади ва якунда аккордларнинг кучли каскади ва *piu mosso* якунловчи бўлимиға олиб келади, унда чап қўл партиясидаги ёндош партия мавзусининг оҳанглари эслатилади, айни пайтда ўнг қўл партиясида катта секундали юқориловчи оҳангларнинг полиритмик бирикмаси янграйди:

5-мисол



Мазкур якунловчи бўлим катта техник қийинчилик туғдиради ва ижрочидан маҳорат ҳамда ижро эркинлигини талаб этади.

Р. Шуман Токкатаси М. Равел Токкатаси, С. Прокофьев Токкатаси каби энг мураккаб асарларга йўл очган бўлиб, жаҳон пианизми чўққиларидан бири саналади ва мусиқачининг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради. Замонавий пианиночи учун мураккабликлар чегараси бўлмайди, шу маънода мазкур пьеса техник ва бадиий мукамаллик сари яна бир поғонадир. Асосийси, Р. Шуман-романтикнинг бой қалб дунёсини акс эттирувчи ушбу мусиқанинг руҳий мазмунини англаб етишдир. Бунда ўқитувчининг вазифаси нафақат мазкур асардаги техник қийинчиликларни

ўзлаштириш, балки мусиқа мазмунининг бадиий режасига ҳам йўналтиришдан иборат.

Р. Шуман Токкатасининг қизиқарли ва фойдали жиҳатлари талайгина, бу, нафақат техник, балки кенг нафас талаб этувчи кантилена, чалиш усуллари каби ифодавий жабҳалар; соната-симфоник драматургия билан боғлиқ оригинал шакллантирувчи тамойиллардир. Бундай ҳолатда техник муаммолар ечимига ҳам йўл очилади. Р. Шуман Токкатасини концерт сахнасига олиб чиқиш шарт эмас, бироқ ушбу мураккаб пьеса билан синфда, ишчи тартибда режани топшириш даражасида танишиш мусиқачи шахсини ривожлантиришга, мусиқий тафаккурни кенгайтиришга ва йирик шаклларни қамрай олишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рубинштейн А. Лекции по истории фортепианной литературы. -Москва: 1974.
2. Закирова Ш. Ўзбекистон композиторларининг фортепиано учун асарлари. -Тошкент: "Ўзбекистон", 2010.
3. Азимов Х. Фортепиано дарслиги. -Тошкент: "Ўқитувчи", 1971.
4. Клементи М. Избранные произведения. -Москва: "МузГиз", 1962.

УМАРОВ Шерзод,

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Б. Зокиров номидаги

Миллий эстрада санъати институти доценти

ДИРИЖЁРЛИКДА БИР АСАРНИ ЎРГАНИШ ОРҚАЛИ МАКСИМАЛ БИЛИМ ОЛИШГА ЭРИШИШ

Аннотация. Ҳар қандай асар ўзининг дирижёрлик шарҳига эга. Дирижёрлик талқини қандай бўлиши ва нималарга эътибор бериш, шунингдек, ижрочи қандай билим ва вазифаларни чуқур эгаллаши лозим?

Ушбу мақолада бир асарни ўрганиш орқали максимал билим ва тажрибани эгаллаш услуби ҳақида маълумот берилди.

Калит сўзлар: дирижёрлик, таҳлил, билим, тажриба, мулоқот, маданият, ижодий алоқа.

Аннотация. Любое музыкальное произведение имеет свое дирижёрское толкование. Каким должна быть дирижёрская интерпретация и на что следует обратить внимание, а также какие знания и задачи необходимо освоить исполнителю?

Эта статья расскажет, как получить максимум знаний и опыта через одно музыкальное произведение.

Ключевые слова: дирижирование, анализ, знания, опыт, общение, культура, творческая связь.

Annotation. Any piece of music has its own conductor's interpretation. What should be the conductor's interpretation and what should be paid attention to, as well as what knowledge and tasks need to be mastered?

This article will tell you how to get maximum knowledge and experience through one piece of music.

Key words: conducting, analysis, knowledge, experience, communication, culture, creative connection.

Дирижёрлик фани бўйича асарларни ўрганишда нималарга эътибор бериш зарур ва ўрганувчи битта асарни ўзлаштириш орқали қандай билим ҳамда тажрибага эга бўла олади? Ўқитувлик фаолиятининг кўп йиллик тажрибасига суянган ҳолда шунини айтиш мумкинки, бу каби саволлар долзарблигини йўқотмаган. Устозларнинг дарс ўтиш анъаналарини сақлаган ҳолда методикага янгиликлар киритиш ва инновацион технологиялардан фойдаланиш бу куннинг асосий талабларидан биридир.

Дирижёрлик – мусиқий таълим ва ижрочиликнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, мазмуни ва моҳияти кенг қўламли билим ва тажриба жараёнларини акс эттиради. Шунингдек,

санъат ва касб сифатида мусиқий мутахассисликлар орасида энг мураккаб ва кўплаб мусиқий фанларни ўзига жамлаган фанлардан биридир. XX асрда Россияда яшаб ўтган психолог (руҳшунос) олим Л. С. Виготский шундай таъкидлаган: "...билим ва санъатнинг туби йўқ. Лекин тингловчи ижрочидан (ёки нотикдан) бирон нимани тинглаб, кўзига ёш келса, руҳи кўтарилса – билингки, у инсон ўз соҳасининг баланд чўққиларини эгаллабди" [2; 50]. Шундай экан, билим олишга бўлган иштиёқ маёғи тобора баландроқ ёниши лозим.

Аввало, дирижёрлик фани талабаларга нима беради? деган саволга жавобни топсак. Дирижёрлик – сезги санъати [4; 7]. У инсоннинг ички дунёси ва тафаккури кенгайиши учун хизмат қилади.

Шу сабабли дирижёр кўп ўқиган, му-
сикий билимларни яхши эгаллаган,
бундан ташқари руҳан ва жисмонан мус-
таҳкам бўлмоғи лозим. Унинг чолғуси –
оркестр ёки хор жамоасидир. Созанда
ўзининг чолғуси, хонанда эса овози билан
физик ёки жисмоний контакт қила олса,
дирижёр бундай кўринишдан маҳрумдир.
У оркестр ёки хор жамоаси билан фақат-
гина кўринмас ришта орқали мулоқот
қилади ва бошқаради. Оркестр (ёки хор)
жамоаси “мураккаб чолғу” бўлиб, унда
ўзининг феъл-атвори, қобилияти ва билим
даражасига эга бир нечта шахс жамланган.
Шу сабабли асарнинг моҳияти ҳамда маз-
мунини чуқур ўрганиш, дирижёр жамоа
билан ишлашга тайёр ҳолда келиши зарур.

XIX асрда яшаб ижод этган немис ди-
рижёри, пианиночи, педагог ва компо-
зитор Ханс Бюлов немис композитори,
пианиночи Ференц Листга шундай ёзади:
“...икки хил дирижёр бор. Биринчиси –
боши партитурадан кўтарилмайдиган,
яъни асар ва партитурани ўзлаштирма-
ган, иккинчиси – партитура унинг боши-
да (яъни миясида – муаллиф). Иккинчи
турдаги дирижёр оркестрни ижрога чор-
лайди ва тингловчиларни музика эши-
тишга мажбур этади” [1; 64].

Демак, битта асарга дирижёрлик қи-
лиш учун нималарни ўрганиш талаб
этилади?

1. Қандай музикавий оқимга тааллуқли
(барокко, классицизм, романтизм, аван-
гард ва ҳ.к.)?

2. Асарнинг мазмуни. Аввало, ком-
позитор ушбу асар орқали қандай ғояни
илгари суради, қандай образлар мавжуд-
лигини ўрганади?

3. Композиторнинг ҳаёти ва ижоди.
Композитор қайси даврда яшаб ижод
этган, унинг ижодида қандай асарлар
асосий ўринни эгаллайди? Замондошла-
ри ким?

4. Географик. Композитор қайси
мамлакатда яшаган, у ерда яна қандай
композиторлар бўлган?

5. Асосий ва иккинчи даражали мав-
зулар ёки жумлаларни аниқлаш.

6. Характер. Қандай жанрда ёзилган
(комедия, психологик, фожеа, драматик
ва ҳ.к.)?

7. Шакл. Оддий ёки мураккаб шакл-
да ёзилган бўлиши мумкин. Унда ҳар
бир қисмининг асосий, ёрдамчи, боғловчи
каби мавзуларини ўзлаштириш;

8. Динамик. Қандай динамик кўрсат-
малардан фойдаланилган (*pp=ff*)?

9. Гармоник. Қандай аккордлар мав-
жуд (лад, оғишма ёки модуляциялар)?

10. Штрих. Қандай штрихлардан
фойдаланилган (стаккато, лига, лигато ва
ҳ.к.)?

11. Музикавий суръат (тезлик, темп).
Кўплаб асарларда композитор томони-
дан аниқ темпни топиш учун метроном
белгиси қўйилади. Агар қўйилмаган бўл-
са, аввало, асар характерини ўрганиш.

12. Агогика. Асарнинг энг кўп тарқал-
ган *rit.*, *люфт*, *фермато* каби музикавий
атамалар ижросини ўзлаштириш.

13. Мулоқот маданияти. Унда ор-
кестр (ёки хор) жамоаси билан ижодий
мулоқотни ўзлаштириш. Дарс жараёни-
да, жўрнавотга тушунтириш ва ижрони
талаб қилиш борасида ўзлаштириб бо-
риш, кўп ўқиш орқали сўз бойлигини
кенгайтириш.

14. Психологик турғунлик. Ҳар қан-
дай жамоада турли феъл-атворли
инсонлар мавжуд. Уларнинг машғу-
лот жараёнидаги ҳолатини сеза олиш
[5; 59].

15. Ижодий муҳит яратиш. Ишлаш
жараёнида бир жойда кўп тўхтаб қол-
маслик, иштирокчиларни ўз вақтида
ишлата олиш ва жамоага руҳий кўта-
ринкилик бахш этиш.

16. Партитура билан мустақил ишлай
олиш.

17. Янгиликлардан бохабар бўлиб
бориш. Ҳозирги кунда интернет тар-
моқларидан ҳар қандай асарнинг турли
оркестр (ёки хор) жамоалари ижроси-
даги аудио ҳамда видео вариантларини
топиш мумкин. Асарни эшитиб олиш
партитурани ўзлаштиришни осон-
лаштиради.

18. Сибелиус нота таҳрирлаш дастурини чуқур ўзлаштириш. Дирижёр ўз жамоаси учун партитура тайёрлашида ушбу дастур ишни юритиш ва ижодий жараёни енгиллаштириш борасида энг яқин ёрдамчи ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни ўзлаштириш учун вақт ҳамда тажриба керак. Қўйилган вазифалар кўп кўринса-да, ҳар бир асарга тўғри ёндашув топиш орқали кўникма ҳосил бўлади. Ўқиб-ўрганиш учун эринмаслик, вақтдан унумли фойдаланиш, асарни ишлаш жараёнига тайёр бўлиб бориш жуда муҳимдир.

Бир асар орқасидан максимал билим олиш борасида энг керакли ва кўзга кўринган вазифаларни санаб ўтдик. Лекин “ҳар бир асарни ўрганиш борасида ўзининг сир-асрорлари борки, улар дарс жараёнида ўқитувчи ёрдамида ўрганиб борилади” [3; 47].

Ўқиб-ўрганиш, кенг тафаккурга эга бўлиш, мустақил фикрлаб ишлай олиш каби вазифалар ҳукуматимизнинг ёшлар олдига қўйган муҳим талаблардандир. Бу, керакли кадрлар етишиб чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Смирнов Б. Ф. Дирижёрское искусство как художественный и социокультурный феномен. Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора искусствоведения. -Санкт-Петербург: 2004.
2. Миршаев У. М. Музыкально-эстетическое воспитание и современные требования к учителю музыки. “Вестник науки и образования”. 2020.
3. Мустафаев Б. И. Некоторые вопросы развития профессиональных навыков учителя музыкальной культуры. “Академия”, 2020.
4. Умаров Ш. А. Дирижёрлик. Дарслик. “Тамаддун” нашриёти, -Тошкент: 2022.
5. Холиков К. Б. Музыкальная педагогика и психология. “Вестник науки и образования”, 2020.

ИЗМАИЛОВ Али,

и. о. доцента Государственной консерватории Узбекистана

ДОЙРА И УЧЕБНЫЕ ПОСОБИЯ ПО ИСПОЛНИТЕЛЬСТВУ

Аннотация. Данная статья посвящена истории методических изданий для студентов исполнителей на одном из самых распространенных народных ударных инструментов – дойра. История методических обращений насчитывает период с середины XX века до наших дней.

Ключевые слова: Узбекистан, музыка, традиция, дойра, исполнительство, музыкальное образование.

Аннотация. Ушбу мақола кенг тарқалган халқ зарбли чолғуларидан бири дойра бўйича талабалар ижрочилиги учун услубий нашрлар тарихига бағишланган. Уларнинг тарихи XX аср ўрталаридан ҳозирги кунгача бўлган даврга тўғри келади.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, музика, анъана, дойра, ижрочилик, музика таълими.

Annotation. This article explores the history of systematic publications for students performers on one of the most popular folk percussion instruments, the doira. The history of methodical appeals spans the middle of the twentieth century to the present day.

Key words: Uzbekistan, music, tradition, doira, performing, music education.

Исполнительство на дойре в Узбекистане – это одно из самых распространенных и наполнено своей историей. На всех этапах развития исполнитель на этом инструменте был олицетворением и носителем национальной традиции. Ни одно событие, обряды, праздники, торжества не обходились без ритмических пассажей дойры, и эта традиция сохранилась по сегодняшний день. Вместе с тем практика исполнения на этом ударном инструменте претерпела объективного и часто значительного изменения, часто улучшая технические параметры, используя современные технологии, а значит служили основанием для совершенствования в сфере сольного исполнительства доиристов, появлению различных видов, приемов. В соответствии с этим множились и ряд методических изданий, затрагивающих актуальные вопросы исполнительства.

Первым методическим материалом в виде учебника игры на дойре был “Дойра дарслиги” А. И. Петросянца, изданное

в 1952 году. Одним из достоинств этого учебника является новая новаторская система записи ритмических рисунков – усудей, и символов для исполнения на дойре, разработанная самим автором, она отражает все многообразие исполнительских и выразительных возможностей данного инструмента [1].

Учебник включает два раздела и состоит из трех частей. Первая часть составляет теоретический материал, вторая и третья части - это практический раздел, упражнения и произведения для дойры.

